Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 4-iyul, chorshanba ✱ № 28 (780) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.**

✱ Ўзбекистон Республикаси томонидан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг фаолиятидаги ўз иштирокини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

✱ **Пойтахтимизда "Германия иқтисодиёти куни" мавзусида бизнес-форум ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, Германия иқтисодиёти клуби ҳамкорлигида ташкил этилди.**

✱ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси қошидаги "Ёш олимлар" Кенгаши, "XXI asr texnologiyalari" журнали билан ҳамкорликда "Ёшларнинг инновацион тафаккурини ривожлантириш — долзарб вазифа" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Мўл ҳосил — меҳнат маҳсули

Қашқадарё вилоятида ғалла парвариши бўйича барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширган, табиат инжиқликларини омилкорлик билан енгиб, суғоришда тежамкор ва замонавий усуллардан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сафи кенгаймоқда.

Косон туманидаги "Аҳмедов Улуғбек" фермер хўжалиги улардан бири. Жорий йилда хўжалик жамоаси ўн гектар майдондаги ғалладан режадаги 31 центнер ўрнига 53 центнердан ҳосил олди. Шартнома мажбурияти ортиғи билан бажарилган хўжаликда айни дамда ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш сомондан тозалаш ва ерни сифатли шудгорлаш ишлари қизғин тус олган.

Суратларда: *Косон туманидаги "Аҳмедов Улуғбек" фермер хўжалиги раиси Нормурод Аҳмедов.*
Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

«МЕН НЕЧУН СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОННИ!»

4-бет

Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган фотокўргазмадан ўрин олган юздан ортиқ бадиий фотосуратларни, уларга муҳрланган Ватан манзаралари, Юртбошимиз ташаббуси ва бунёдкор халқимиз томонидан барпо этилган бири биридан муҳташам бинолар, гўзал боғроғларни кўриб, унга жавобан: «Шундай гўзал Ватанни қандай севмай бўлади, ахир?» дегинг келади.

ПОЛВОН ЧАҚАЛОҚ

5-бет

1955 йили Италияда 10,2 килограмм вазнда дунёга келган чақалоқ узоқ вақт давомида биринчиликни ҳеч кимга бермай келаётганди. Аммо яқинда Хитойда туғилган, ўзининг оғирлиги билан барчани лол қолдирган чақалоқ мазкур кўрсаткич бўйича яккол пешқадамга айланди.

Буни қаранг-ки, полвон чақалоқнинг оғирлиги 17,04 килограммни ташкил этган.

НОМ ҚЎЙИШ ҲАМ САНЪАТ

6-бет

Одатда, ҳар бир фильм сценарийдан бошлаб экранга чиққунча бир қанча мутасадди ташкилот ва мутахассислар кўригидан ўтади: сюжети, бадиий савияси, ғоявий-мафкуравий жиҳатлари қайта-қайта муҳокама қилинади. Лекин, негадир, фильмнинг номланишига ҳеч ким жиддий эътибор қаратмаяпти.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Мардлик, фидойилик ва жасоратга даъват

Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг холис ифодачиси, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлмиш оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Буни ўтган ҳафтада кенг нишонланган касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни яна бир бор намойиш этди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ўқиб эшиттирилган ва ОАВда эълон қилинган байрам табриги юртимиз журналистлари, ижод аҳли томонидан қизғин кутиб олинди.

Табрикда нафақат журналистларнинг сермашаққат меҳнати муносиб баҳоланди, балки ҳар биримизга ўз фаолиятимиз, дунёқараш ва имкониятларимизни яна бир бор теран назардан ўтказиш, тегишли хулосалар чиқариб, янги руҳ билан ижод қилишга ундайдиган қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугун биз яшаётган глобаллашув ва ахборот асрида тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Доим элу юртнинг қувончу ташвишларига шерик, янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат касб соҳиби — журналист қадам қўймаган бирон корхона, ташкилот ёки муассаса йўқ.

2 »

✔ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга **«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат асарлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
- *иш жойидан тавсиянома;*
- *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.*

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Мардлик, фидойилик ва жасоратга даъват

(Бошланиши 1-бетда.)

Оммавий ахборот воситаларига одамлар катта умид ва ишонч билан қарайдилар. Зотан, журналистнинг ўткир нигоҳи жамиятнинг ютуқ-муаммоларини бошқалардан аввал илғай олади, уларга жамоатчилик диққатини тортади. Бу машаққатли касбнинг мезони — холислик ва ҳаққонийлик, инсоф ва диёнат, ҳақиқат ва ҳалоллик каби умуминсоний қадриятлардир.

Халқимизда бир ибора бор: "Қуш тинса тинади, у тинмайди". Мен бу иборани, аввало, журналистларга нисбатан қўллаган бўлардим. Негаки, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ишчи билан ишчи, деҳқон билан деҳқон бўлиб тиллашадиган, олим билан илмнинг сарҳадсиз ҳудудларида бирга кезадиган, шифокор билан эл дардига даво излайдиган, талаба билан фан чўққиларини эгаллайдиган, бола билан унинг маъсуд кунларини бирга кечирадиган, хуллас, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсонлар ҳаётини бошқача тасвир этиб бўлмайди.

Шу ўринда миллий журналистикани замон талаблари даражасида ривожлантириш, жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши йўлида мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётганини эътироф этиш керак. Юртимиз тарихида илгари ҳеч қачон соҳага мустақиллик йилларидагидек эътибор берилмаган. Матбуотимиз ҳеч бир замонда ҳозиргидек чинакам миллийлик касб этмаган. Бугун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари даврнинг ҳақиқий кўзгусига айланиши, "тўртинчи ҳокимият" бўлиши учун мустаҳкам замин яратилган. Шунинг учун ҳам халқимиз биз, журналистлардан жамият ҳаёти, унинг ютуқлари, камчилик ва муаммолари, уларнинг ечимлари ҳақида холис, тезкор ва юксак профессионал-таҳлилий материаллар кутишга ҳақли. Адолат юзасидан айтиш керак, матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение дастурларида халқимиз эътирофига сазовор бўлаётган материаллар оз эмас. Бу ҳақда сўз борганда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатда тўғри йўлни танлашда ОАВнинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бироқ ҳаёт давом этар экан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, қўлга киритилган ютуқларга берилмаслик, уларга маҳлиё бўлмасдан янги марраларга интилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалар оз эмас. Улар биринчи навбатда ижодкордан доимо изланишни, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттиришни, ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлашни, ўз касбига садоқатли бўлиш, эскича қарашлардан воз кечиш учун бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиш, виждон амри билан яшашни тақозо этади. Оммавий ахборот воситалари воқеаликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, аввалambор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса, бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатиши лозим. Журналист учун ёзиш қобилияти ва маҳорат бўлишининг ўзи етарли эмас. У, аввало, ҳуқуқлари поймол қилинган шахсларга ўткир қалами билан ёрдам қўлини чўза оладиган, ҳаётда кечаётган воқеаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етадиган ва уларни холисона ёритишни, ҳаққонийлик ва холисликни ўз фаолиятининг асосий мезони деб биладиган фидойи ва довюрак шахс бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, журналистлик касби мардлик, фидойилик ва жасоратни талаб этади. Ҳаётда ана шундай фазилатлар билан яшаётган ижодкорлар оз эмас. Бироқ, ОАВ ривожи, унинг «тўртинчи ҳокимият» мақоми мустаҳкамланиши учун журналистнинг шахсий фазилатлари, иқтидор ва салоҳиятининг ўзи кифоя қилмайди. Жамият тараққиёти, Ватан равнақи, халқимиз манфаатларини таъминлаш йўлидаги ислоҳотларга, адолат ва ҳаққонийлик принципларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи иллатлар илдизини очиб ташлаш ва уларга қарши курашиш учун журналистни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, унга суянч бўлиш даркор. Табрикда матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш лозимлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материаллар, таҳлилий ва танқидий чиқишларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб бориш таклиф этилди.

Бу таклиф икки жиҳатдан, айниқса, катта аҳамиятга эгадир: яъни, аввало, ижод аҳлининг сермашаққат меҳнати эътирофи бўлса, иккинчи жиҳати, бу материалларда кўтариб чиқилган муаммолар ечимини топишга давлат ва бошқарув органлари, кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишда ҳам муҳим омил бўлади. Зеро, оммавий ахборот воситаларида кўпчиликни ўйлантирган долзарб мавзудаги материаллар берилади, улар ўқувчи ва мухлисларни тўлқинлантиради, лекин аксарият ҳолларда тегишли муассасаларнинг мутасаддилари назаридан четда қолади, бунинг оқибатида ўз ечимини топмайди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар.

Шунинг учун ҳам матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу, ўз навбатида, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари табригида яна шундай сўзлар бор: "...доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиша қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман".

Самимият билан билдирилган бу ишонч соҳанинг ҳар бир вакили, ҳар бир журналистга чексиз ғурур ва ифтиҳор бағишлаб, Ватан ва юрт манфаатлари, адолат ва эзгулик йўлида қаламини янада ўткир чархлашга даъват қилади, янги ижодий парвозларга бошлайди.

ЭЪТИРОФ

Ҳамкорлик йўлида

инвестиция самара бермоқда

Ўтган йиллар давомида республикамиз енгил саноат тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, тармоқда, айниқса, тўқимачилак ва тикувчилик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон енгил саноати жаҳон бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Шу ўринда бу ютуқлар замирида чет эл сармоядорларининг муносиб ҳиссаси борлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибида 150 та корхона фаолиятига хориж инвестициясини самарали жалб этиб иш юритаётгани фикримиз исботидир. Республикада ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фоизини ана шу корхоналар етказиб беради. Ҳозирда улар йилдан-йилга ишлаб чиқариш қувватларини ошириб, кенг ассортиментда ип калава ва газлама, тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ҳамда пайпоқ буюмлари ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар 40 дан зиёд давлатга экспорт қилинибгина қолмасдан, халқимиз эҳтиёжини ҳам қондириб келмоқда.

— Хорижлик сармоядорни ишонтириб уни юртимизда иш бошлашга ундашнинг ўзи бўлмайди, — дейди компаниянинг бошқарма бошлиғи Матёқуб Матёқубов. — Бу жараённинг ўз мураккаблиги бор. Инвестиция киритмоқчи бўлган тадбиркор ишининг келажагига юз фоиз эмас, икки юз фоиз ишонмагунча пул тикмайди. Келгусида яна кўплаб шундай қўшма корхоналарни ташкил этиш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли. Энг муҳими, бизда хориж сармоядорлари учун барча шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, жорий йилда ҳам компания томонидан умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 20 дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Шу кунгача лойиҳанинг бир қисми уддаланиб, республикамизнинг турли ҳудудларида 6 та корхона ишга туширилди, 1200 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Шулардан бири Ғазалкент туманида фаолият кўрсатаётган "Озборнтекстил" корхонасидир. Иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, корхона тобора ўз фаолиятини кенгайтириб боряпти. Яқинда бу ерга хориждан янги тикув ускуналари олиб келинди ва ишга туширилди. Натижада яна 100 киши иш билан таъминланди.

Енгил саноат тизимида машина дастгоҳларисиз иш битмайди. Уларни доим таъмирлаб, янгилаб туриш зарур. Шундагина иш самарали ва унумли бўлади. Президентимизнинг 2011 йил 21 февралдаги тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришга доир қарори соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлди. Шу билан бирга тизимдаги корхоналар ускуналарнинг тўхтовсиз ишлашга замин яратди.

Ҳозирда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК компанияси ва Швейцариянинг "Ритер Машиненфабрик" компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ана шу ҳамкорлик натижасида 385 миллион АҚШ долларга тенг бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, пойтахтимизда "Ритер Ўзбекистон" қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. У ҳозирда тўқимачилик саноати учун зарур дастгоҳларни ишлаб чиқармоқда. Яқинда қўшма корхонанинг илк ускуналари ўз эгаларини топди. Бу эса, ўз навбатида, йигирув, пилталаш машиналари борасидаги муаммоларни ҳал этиб, четга миллионлаб валюта чиқиб кетишига чек қўйди. Дарвоқе, жорий йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб корхонада йигирув машиналари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Келгусида ускуналар турини кўпайтириш ва хорижга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Кўриниб турибдики, соҳа тараққиёт сари яна бир қадам ташлади. Енгил саноат тизими ўзи учун керакли бўлган дастгоҳ ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлди. Бу эса янги имкониятлар эшигини очади, десак адашмаган бўламиз. Чунки, бу каби корхоналар фақат ривожланган давлатлардагина бор, холос.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги олдидан

Жамиятни демократлаштириш жараёнида сайлов ҳуқуқи

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади."

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 32-модда.

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Бош Қомусимиз асосида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда демократик сайлов қонунчилиги шаклланди. Мазкур сайлов қонунчилиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун етарли шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларда сайловларга доир умумэътироф этилган демократик халқаро тамойил ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур қонунлар ўтган йиллар мобайнида тобора такомиллашиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги "Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан сайлов қонунларига бир қатор демократик қоидалар киритилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасининг 2-банди чиқариб ташланди. Бу 46-моддада назарда тутилган бир чекловчи қоидани бартараф этди. Сайлов қонунчилиги ривожланишининг навбатдаги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни келтириш мумкин. Соҳага доир 13 та қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритган мазкур қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича билдирган таклифларини соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида қараш мумкин. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27- ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддаларига киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, сайловолди ташвиқот ишларини олиб боришда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳар бири тенг шароитларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бўлиб, у партиялараро эркин ва адолатли рақобатни таъминлаш, сайловолди дастури, келгусидаги истиқболли режаларини маълум қилишга имкон берувчи тадбир ҳисобланади. Юқорида тилга олиб ўтилган ўзгартиш ва қўшимчлар эса сиёсий партияларга, номзодларга тенг ҳуқуқлилик асосида сайловолди ташвиқоти юритишни кафолатлайди.

Қолаверса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига киритилган сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишлари олдини олиш имконини беради. Бинобарин, мазкур ўзгартишга кўра, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги сайлов кунидан бир кун олдин ҳар қандай ташвиқот юритишни тақиқлайди. Ушбу қоида овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, сайловчиларга сиёсий партиялар дастурлари ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни танлаш борасида онгли равишда овоз бериш учун янада кенгроқ имконият яратиб, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишини кафолатлайди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга "овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади" деган норманинг киритилиши номзодлар ҳамда сайловчилар ҳуқуқларини таъминлаш, сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олади.

Хуллас, мамлакатимиз сайлов ҳуқуқи ва унинг такомиллаштириш мақсадида Асосий Қонунимиз асосида амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар халқаро меъёр ва талабларга ҳамоҳангдир. Бу, ўз навбатида, сайлов ҳуқуқининг тўла-тўкис таъминланишига, пировардида, юртимизда демократик тамойилларнинг қарор топишига хизмат қилмоқда.

Улуғбек ҲУСАИНОВ,
ТДЮИ катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди,
Элёр РАҲМАТОВ,
ТДЮИ магистранти

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Юртим, сендан миннатдорман!

Бугун менинг дилимда миннатдорлик ҳислари мавжланмоқда. Боиси, Ватаним мендек ёш ниҳолини кўкка фахр билан бўй чўзишига имкон берди. Бошқалар каби мен ҳам устозларим, юртим кўмагида орзуларимга эришдим. Андижон педагогика билим юртини тамомлаб, муаллим бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳозир Олтинкўл саноат касб-ҳунар коллежида ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бераяпман. Ўқувчиларим орзуларига етишиш учун барча имкониятимни ишга соляпман.

Ҳолалигимда нима қилсам, бошқаларга ёрдам бера оларканман, деган савол менга тинчлик бермасди. Юрагимдаги сўзларни юртдошларим билан баҳам кўргим, уларга энг эзгу сўзларни улашгим келарди. Кейинчалик турли ёзишмаларим билан таҳририятларга қатнай бошладим. Чоп этилаётган мақолаларимдаги фикрларим халқимнинг дардини оз бўлса-да, олгандек бўлди. Қарангки, ҳар қачон фуқаролари бахтини ўйлаган меҳрибон она-юртим, кеча-ю кундуз элим деб ёнган Юртбошимиз ёшларнинг орзулари армон бўлиб қолмаслиги учун ҳеч бир мамлакатда топиб бўлмайдиган имкониятларни яратиб берар экан.

Мен бундай шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз ижод намуналари билан журналистика соҳасида қалам тебратаётган инсонлар билан учрашиш, тажриба орттириш учун "Келажак овози — 2012" танловининг вилоят босқичида қатнашдим. Бу ерда ҳар томонлама юксалаётган истеъдодларни учратиб, улар билан дилдан суҳбатлашиб бир олам сабоқ олдим. Бу соҳада ҳали анчагина пиллапояларни забт этишим керакligини англадим. Бир сўз билан айтганда, ушбу танлов мен учун катта ибрат мактаби бўлди. Танлов якуни қувончли дақиқаларни ҳадя этди, яъни ғолиблик нашидасини берди. Бунинг учун, аввало, халқимга, бизни келажагим эгалари дея қўллаётган Юртбошимга чин дилдан раҳмат айтаман, уларнинг ишончига меҳнатим билан жавоб бераман.

Олдимда яна бир синов — Республика босқичи турибди, шунинг учун бўлса керак, юрагимда бир олам ҳаяжон, вужудимни титратиб, сергакликка чорлаяпти. Бу халқим олдидаги масъулият бўлса керак. Чунки ғолиблик эндиликда олдимда янада улкан хизматлар борлигидан далолат ҳамдир.

Мен, албатта, бу синовларни меҳнатим, тинимсиз ижодим билан енгиб ўтаман. Халқим олдида юзим ёруғ бўлишига ҳаракат қиламан. Ўқитувчи сифатида юртим корига ярайдиган, унинг эртасини янада юксалтирадиган ёшларни тарбиялайман. Албатта, бу хизматларим Президентимизнинг биз — ёшлар учун яратиб берган уммон мисол кўмаги олдида бир томчи каби. Лекин, барибир кўнглимда ёнган миннатдорлик олови тафти янада аланга олиб, Ватаним чорловига "лаббай" дея жавоб беришда давом этаман.

Гулида АЗИМОВА
Андижон вилояти

Реклама

AGROBANK

Бирлашган ўзар

Банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар иккала томон манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз. Шу маънода, мамлакатимиз давлат ва нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш йўлида ўзи танлаган банк муассасаси билан ҳамкорлик ришталарини маҳкам боғлаб, рақобат майдонига дадил кириб бораётгани диққатга сазовордир.



«Агробанк» ОАТБ Бухоро вилояти бошқармаси мижозлар ишончини оқлаб, улар сонининг янада ошишига, тадбиркорлар сафининг кенгайиб боришига алоҳида эътибор бермоқда. Бошқарма тасарруфида 11 та филиал, 6 та мини банк ҳамда 22 та махсус кассалар самарали фаолият юритиши бунинг учун қулай имконият яратмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш мақсадида миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турлари жорий этилган. Бугунги кунда банк томонидан аҳолига 16 хил миллий валютадаги ва 7 хил хорижий валютадаги омонатлар таклиф этилмоқда.

Ёш оилаларга уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни молиялаш учун 195 миллион 500 минг сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 128 миллион 700 минг сўм банк кредитлари ажратилиб, ёшларимизнинг келажак сари шаҳдам юриб боришларига кенг йўл очиб берилди.

Оилалар, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани қувонарли ҳол. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 741 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 535 миллион, оилавий тадбиркорлик учун 163 миллион сўмлик кредитлар ажратилгани сўзимиз тасдиғидир.

Бундан ташқари, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш (кўчатлар, мевали дарахт кўчатлари, сабзавот уруғлари харид қилиш, кичик иссиқхоналар ташкил этиш), қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш лойиҳалари учун кичик бизнес субъектлари, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларига 1 миллиард 125 миллион 800 минг сўмлик кредитлар белгиланган ҳам ҳамюртларимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган самарали ишлардандир. Вилоят ҳудудидаги иқтисодий ночор, кам қувватда ишлаётган, фаолият кўрсатмай турган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил мобайнида «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси томонидан 5 та корхонага жами 2 миллиард 20 миллион сўмлик инвестицион кредитлар ажратилиши натижасида 75 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида 306 миллион 300 минг сўмлик кредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига фермер хўжаликларига ҳайдов ва чопиқ тракторлари, дон ўриш комбайнлари, культиватор ва турли хил тиркамалар, эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

2012 йил ғалла ҳосилини етиштириш учун 1160 та фермер хўжалигига 8 миллиард 838 миллион сўм, пахта ҳосили учун 1206 та фермер хўжалигига 32 миллиард 542 миллион 300 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда нафақат халқ истеъмоли моллари, балки элимиз дастурхонининг тўкинлигини таъминловчи етти хазинанинг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, кам фоизли кредитлар ҳисобига барча шарт-шароитлар яратиб келиняпти.

Банк матбуот хизмати

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Ҳар бир корхона ва ташкилотда ўзининг ахлоқ-одоби, хуш муомаласи, фидойилиги билан ажралиб турувчи кишилар кўп бўлади. Улар шу фазилатлари туфайли ҳамкасбларининг, атрофдагиларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўладилар. Сийрати ҳам суратидек гўзал шифокор Феруза Исоқова ана шундай оқ кўнгил инсонлардан биридир.

Эл эътиборига тушганлар

Феруза кардиолог шифокор Юсуф Исоқов оиласида вояга етди. У болалик чоғлариданоқ отаси ва тоғалари сингари шифокор бўлишни орзу қиларди. Отасининг оппоқ халати ва бош кийимини дазмоллаш унинг севимли машғулотларидан бири эди. Зийрак отаси бир куни уни ёнига чақириб, сўраб қолди:

— Қизим, сен ҳам шифокор бўлишни истайсанми?

— Қанийди, худди сиз каби оппоқ халат кийиб юрсам...

Ота дилбандининг кўнглидагини топганидан хурсанд бўлди. Кулиб:

— Аммо мақсадга етиш учун мактабда аъло ўқиш лозим. Шифокор ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлмоғи керак, — деди синовчан назар билан. Қизидан гапининг тасдиғини олгач, ич-ичидан қувонди. «Эплайди» деди ўз-ўзига.

Шу кундан бошлаб Феруза барча фанларни намунали ўзлаштиришга аҳд қилди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, уни орзуси Самарқанд давлат тиббиёт институтига етаклади.

Шундай қилиб, Феруза оқ халат кийиш бахтига ҳам муяссар бўлди. Мана, бир неча йилдирки, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 58-оилавий поликлиникада ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда. Беморларнинг ЭКГ хатларини ўқиш унинг зиммасида.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасига кириб келган замонавий ташхис ускуналари Ферузани бениҳоя ўзига маҳлиё этган. Улардан фойдаланиш сир-синоатларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

— Замонавий асбоб-ускуналар биз, шифокорларнинг мушкулини осон қилади, беморларимизнинг тезроқ оёққа туриб кетишларига имкон туғдиради. Бироқ улар билан ишлаш, хатлар ва шаклларни ўқий олиш мутахассисдан катта билим ва салоҳият талаб этади.

Ким, қачон келишидан қатъи назар, барчани бирдек очиқ чеҳра билан кутиб оларкан, қаҳрамонимиз қўлидан келган ёрдамини аямайди. Бу унинг домий шиорига айланган. Шунга кўра ҳар бир беморни ўзининг отаси, онаси, синглиси ёхуд акаси сингари қабул қилади.

Жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб номланишини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси катта хурсандчилик билан қарши олди.

— Оила, — дейди Феруза, — жамиятнинг кичик бўлаги. Мамлакатимиз раҳбарининг «Ёш авлод маънан ва жисмонан кучли бўлмоғи керак», деган сўзлари бежизга эмас. Оила мустаҳкамлиги омилларидан бири ҳам айнан инсонларнинг саломатлиги ва хотиржамлигидир.

Гарчи бўш вақти бўлмаслиги кўриниб турса-да, Ферузанинг бўш пайтларда нималар билан машғул бўлишига қизиқдик.

— «Medical Express», «Шифо», «Ташхис» сингари газета ва журналларни ўқийман, — дейди у. — Шифокор ўз билимини доимо ошириб туриши зарур. Гоҳида тиббий луғатларни титкилашни хуш кўраман. Фарзандлар тарбияси севимли машғулотим. Болаларга қўшилиб дарс тайёрлайман, қизларимга таом пишириш сирларидан сабоқ бераман...

Ферузанинг бир ўғли, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи ҳарбий. Ўғли Шаҳзод бобоси ва ойисининг изидан бориб, тиббий йўналишдаги академик лицейда таҳсил олмоқда.

Поликлиника бош врачи Назокат Ғуломова Феруза тўғрисида ёзмоқчилигимизни айтганимизда, унинг лабларига табассум югурди:

— Топибсиз, ёзинг, Феруза жуда яхши мутахассис.

Шу пайт бизнинг журналист эканлигимиздан хабар топган бемор Искандар Ажимбетов илтимос қилиб қолди:

— Газет орқали менинг миннатдорчилигимни Феруза ва у ишлаётган поликлиника ходимларига етказинг. Ўн кундан буён қон босимим ошиб, инсульт бўлишимга бир баҳя қолди. Ферузахоннинг тўғри ташхиси ва муолажаси билан оёққа турдим. У нафақат менга, балки бутун оиламга бир олам қувонч бағишлади.

72 ёшли Шоиноят ота Шомуродов Искандарнинг сўзларини қувватлаб, шундай деди:

— Барака топсин, Ферузахон! Тупроқ олса олтин бўлсин. Унинг юраги ҳам кийими сингари оппоқ. Сурункали бронхит мени азоблаб келарди. Баъзан нафас олишга қийналардим. Ҳозир эса ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

Бундай самимий миннатдорликларни Ферузахонга мурожаат қилган ҳар бир бемордан эшитиш мумкин.

Бори элга яхшилиғ қилғилки,
мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ.

деган эди ҳазрати Бобур. Зеро, яхши инсон ҳамиша элда иззат ва эҳтиром топгай.

Абдулла СУБҲОНОВ,
Мансур ЖУМАЕВ

БИЛГАНИНГИЗ ЯХШИ

Кун қизиганда...

Юртимиз Марказий Осиё минтақасидаги энг иссиқ ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу кунларда ҳароратнинг юқори бўлаётгани ҳам буни яққол исботлайди. Юқори ҳарорат, албатта, одам танасидаги физиологик жараёнларнинг мўътадил кечишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам иссиқ иқлим шароитига мослашишда уни чиниқтириш, ҳароратга мос кийиниш, овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Одам танасида мураккаб модда алмашинув жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик қуввати узлуксиз равишда ажралиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кеча-кундуздаги ҳаракати туфайли танамиздан ўртача 2500-3000 к/калорияли иссиқлик ажралиб чиқади. 3 тонна сув ҳаратини бир даражага кўтариш мумкин, дегани.

Инсондаги терлаш ҳолати яратганнинг инсонга кўрсатган чексиз меҳрибонлиги, десак бўлади. Негаки, аксарият қушлар, тулки, бўри сингари ҳайвонларнинг танаси бундай имкониятдан маҳрум. Шу боис, улар саратон иссиғида оғзиларини очиб, ҳансираб юришга мажбур. Агар инсонда терлаш имкони бўлмаганида эди, танасининг ҳарорати ҳар бир соатда 1,5 даражадан кўтарилиб, 35-40 соатдан сўнг қайнаш нуқтасига етарди.

Инсон танасидаги терлаш жараёни ҳаммада ҳар хил кечади: кимдир кўп терлайди, кимдир кам. Бунинг бир қанча сабаблари бор: ирсий мойиллик, кунлик ҳаво ҳарорати, суюқликни кам ёки кўп истеъмол қилиш, қуёш нурининг таъсири, шамолнинг тезлиги, ҳавонинг нисбий намлиги, уст кийимнинг ранги, матонинг тури ва ҳоказо.

Ҳар бир киши терлаганда кунига 2-3 литр сув, 20-30 грамм ош тузи, сувда эрувчи витаминларни йўқотади. Иссиқ ҳаво ва қуёш нури таъсирида одам танасида қуйидаги ҳолларни кузатиш мумкин: гипертермия — тананинг қизиб кетиши, офтоб уриши. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар вазиятга қараб алоҳида ёки аралаш ҳолда бўлади.

Енгил гипертермия ҳолатида киши иштаҳасини йўқотади, чанқайди, лоҳас бўлади, уйқу босади, ҳарорати кўтарилиб, томир уриши, нафас олиши ва терлаши кучаяди. Ўрта гипертермияда эса юқоридагиларга бош оғриши ва айланиши, нафас қисиши, юз терисининг кўкариб, тана бўшашиб кетиши ҳоллари кўшилади. Офтоб урганда эса қон томири уриши аввал тезлашиб, сўнгра сусайиши кузатилади, терлаш камаяди, айрим ҳолларда эса умуман тўхтаб қолади.

Ташналикни қондириш мақсадида кўп сув ичиш ярамайди. Чунки кучли терлаш оқибатида танадан чиққан тер буғланишига улгурмай оқа бошлайди, тана ҳарорати кўтарилади. Оқибатда иштаҳа пасайиши, дармонсизлик бошланиши ва ошқозон-ичак фаолияти бузилиши туфайли беморнинг ҳолати ёмонлашиши мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳоллар кузатилса, беморни тезлик билан қуёш нуридан ҳоли жойга олиб, тананинг эркин нафас олишини таъминлаш, тоза сув ичириш, боши ва кўкрагига совуқ сувда ҳўлланган латтани босиш керак. Шунингдек, беморнинг ҳолатига қараб тиббий ёрдам кўрсатиш лозим.

Овқатланиш ва ичимликка келганда серёғ, кучли таомлар ўрнига тез ҳазм бўладиган, сабзавотларга бой таомлар ва мевалар истеъмол қилиш, уй шароитида тайёрланган мева шарбатлари, олча қўшиб қайнатилган туршак сувларидан ичиш яхши самара беради. Ёз оқшомлари суюқлик тўйгунча ичилса зиён қилмайди. Туш маҳалида кўп сув ичилса, ишқорий ҳолатни юзага келтиради. Натижада ошқозон ва ичакларда микроблар тез кўпайиб, инсоннинг касалланишига олиб келади. Бошдан то оёққача пахта ёки юпқа оқ рангдан тўқилган матолардан кийим-бош кийиш мақсадга мувофиқ.

Абдуваҳҳоб ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Рағбат самарали фаолиятга чорлайди

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Журналист деганда, кўз ўнгимизда энг қайноқ ва энг заҳматли соҳа ходимлари намоён бўлади. Улар ўзларининг қудратли қуроллари — қалам ва сўз билан ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида жонбозлик кўрсатишади, миллат маънавиятини янада юксалтириш, жамиятда фуқаролар фаоллигини ошириш йўлида кунларни тунларга улаб меҳнат қилишади.

Яқинда ана шундай ҳамкасбларимиздан бир гуруҳи «Йилнинг энг фаол журналисти» танловининг ғолиб ва совриндорлари бўлишди. Қуйида улардан айримларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз:

Йўлчи МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти «Оқдарё овози» газетаси бош муҳаррири:

— Юртбошимизнинг ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллаши биз, қалам аҳлини янада руҳлантириб, қўним билан меҳнат қилишга, жамиятни тараққий эттириш жабҳаларида сидқидилдан фаолият кўрсатишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари бу йилги табрикларида «... юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак», дея бежиз таъкидламадилар. Чунки ўзим шу соҳада 35 йилдан бери қалам тебратиб келаман. Шу боис, касбимнинг барча жиҳатларини муқояса қилиш имкониятига эгаман. Журналист бўлиш учун киши мард бўлиши, тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлаётган иллатларни илғай олиши, муаммоларни жасорат билан кўтариб чиқа олмоғи, шарафли касбига доғ туширмай хизмат қилмоғи ҳамда пана-пастқамдан тош отувчи ғаламисларнинг маломатларига ҳозиржавоблик билан зарба бериши шарт ва зарур.

Жамолиддин ҚАЛАНДАРОВ,
«Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририяти мухбири:

— Бугун биз ҳар томонлама ривож топиб бораётган жамиятда яшаяпмиз. Бу ерда ёшларнинг интилиши, касб танлаши, етук инсон бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Лекин тараққиёт йўлидан оғишмай кетаётган юртимизнинг ютуқларини кўролмайдиган, таъбир жоиз бўлса, оёқдан чалишга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Афсуски, улар ўзларининг ғаламисликларини амалга ошириш учун ҳар қандай қабоҳатдан тап тортмасликлари мумкин. Ана шундай бир шароитда биз, журналистлар халқимиз танлаган йўлнинг тўғрилигини ёш авлод қалбига сингдиришда етакчи бир роль ўйнашимиз даркор. Касбимизга садоқат билан хизмат қилиш, ҳаётимизни эзгуликка сафарбар қилиш, танлаган йўлимизда собитқадамлик билан олға бориш виждонимиз аъмолига айланиши зарур, деб ўйлайман. Бу шарафли ва масъулиятли йўлда Юртбошимиз биз, журналистларга ўзларининг ҳаммаслак ва ҳамфикр дўстлари деб қарашлари толмас қанот бағишлайди.

Гулнара ТУРДИШОВА,
«Қарақалпақстан жаслари» газетаси бўлим муҳаррири:

— Журналистнинг нони қаттиқ, дейишади. Бу сўзлар одамни бироз сергак торттиради. Айниқса, аёл журналистнинг масъулияти икки ҳиссага ортади. Бироқ ҳақиқатни қидирадиган, жамият ривожи учун тўсиқ бўлаётган иллатларни ҳаммадан илгари кўра оладиган, юрагида ўти бор ҳар қандай инсон бу соҳага киришдан сираям чўчимайди.

Мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби оммавий ахборот воситалари ходимларига берилаётган эътибор катта. Тегишли қонунлар, қарорлар қабул қилинаяпти, таҳририятларнинг моддий-техник базалари янгиланаяпти. Хуллас, ишлаш учун барча шароитлар етарли. Бу ёғига белни маҳкам боғлаб, адолат байроғини баланд кўтариш пайти келди.

Амрилло АВЕЗОВ,
«Овози тожик» газетасининг Бухоро вилоят мухбири:

— Кўп йиллар Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 20-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган бўлсам-да, жамоатчи мухбир сифатидаги фаолиятим ўқувчилик давримдан бошланган, десам адашмайман. 1998 йилдан «Овози тожик» газетасининг Бухоро вилояти мухбири вазифасида ишлаб келаяпман.

Мустақиллик шарофати билан вилоятимиз афсонавий даражада ўзгариб, обод бўлди. Ҳимматбаланд халқимиз Ватанимиз равнақи йўлида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Фидойи инсонлар ҳақида, асл, пок ниятли кишиларнинг фаолияти хусусида ёзиш камина учун шараф. Бу йил республика миқёсидаги «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида совриндорлар сафидан ўрин олганим зиммамга янада катта масъулият юклайди. Бу рағбат бизни юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада кенгроқ ёритишга, бундан-да фаол ва самарали иш юритишга ундайди. Эндиликда вилоятимиз ҳаётидан, илғор фермер хўжаликлари, зиёлилар, тадбиркорлар, шариф инсонлар ҳақида баҳоли қудрат кўпроқ мақолалар ёзишга ҳаракат қиламан.

Иномжон АБДИЕВ
ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА ҲАЁТ ТАСВИРИ

«Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!»

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповни ўйлантириб, қалам тебратишга ундаган мана шу сеҳрли сўзлар бугун фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг юрагига чўғ солган. Шу сабабдан у яқинда айнан шу ном остида Сурхондарё вилоятида ўз шахсий фотокўргазмасини намойиш этиб қайтди.







Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган фотокўргазмадан ўрин олган юздан ортиқ бадиий фотосуратларни, уларга муҳрланган Ватан манзаралари, Юртбошимиз ташаббуси ва бунёдкор халқимиз томонидан барпо этилган бири биридан муҳташам бинолар, гўзал боғ-роғларни кўриб, унга жавобан: «Шундай гўзал Ватанни қандай севмай бўлади, ахир?» дегинг келади.

Чиндан ҳам юрагини Ватан ишқи ўртаган ҳар бир инсон бу саволни тез-тез ўзига бериб туриши табиий ҳол. Айнан шу жиҳат унинг юртга бўлган муҳаббатини фақат тилда эмас, балки амалда исботлашга ундайди. Буни қалбан ҳис қилган Султонбой Деҳқонов юрак амри ва кучли иштиёқ билан ўз муҳаббатини фотосуратларга муҳрлаб, юрт кезиб, ўзига ўхшаган ижодга, санъатга иштиёқманд инсонларга гулдаста сифатида армуғон этиб, оддий қишлоқ одамларини юртимизни кучлироқ севишга ундамоқда.

Ижодкорнинг 2011 йили Тошкент вилояти ва Тошкент фотосуратлар уйида ўтказган «Она юрт манзаралари» ва «Шу юрт фарзандиман» номли шахсий фотокўргазмалари унинг ҳақиқий серғайрат ижодкор эканига ёрқин мисолдир. Фоторассомни ҳеч иккиланмай, ўзининг бадиий фотография оламида яратган муваффақиятли асарларидан бири ҳисобланган «Меҳнаткаш чумоли»га қиёслаш мумкин.

Ушбу асари билан 2010 йили бўлиб ўтган фотокўргазмалардан бирида танишган эдим. Мен бу илк танишувни ҳеч иккиланмай «Ҳайрат ва ҳаяжон учрашуви» деб номлаган бўлардим. Сабаби, дунёда чумолилар ҳам, бирбиридан гўзал фотосуратлар ҳам кўп. Аммо кишини ўз «Меҳнаткаш чумоли»си билан ҳайратга сола оладиган ижодкорлар кам. Султонбой Деҳқоновни ана шундай омадли ижодкорлар сирасига киритиш мумкин.

— Фотоасарларим орасидаги она юрт тасвирлари, ибратли оилалар ҳаётидан лавҳалар, қишлоқ одамлари, болалик мавзуидаги ишларим сурхондарёликларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди у. — Ҳаётдан олинган воқеа-ҳодисалар, фотосюжетлар томошабинлар эътиборини тортди. Фотоасарларнинг бадиий кучи ҳам шунда. Шеробод маданият уйида бошланган кўргазмам давомида ўқувчи-томошабинлар асарларга эътибор бериб, «Қачон, қаерда тасвирга тушириллган?» деган кўплаб саволлар билан мурожаат қилишганида шу иш билан шуғулланаётганимдан хурсанд бўлдим.

Пошхурд тоғли қишлоғидаги 33-мактабда ўтказилган навбатдаги кўргазма ҳам ниҳоятда гавжум бўлди. Ишларимнинг ўқувчиларга ёқиб қолгани мени қувонтирди. Менимча, бундай кўргазмаларни вилоятларда кўпроқ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

«Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан, ўзгалар дилини қилади равшан!» Султонбой Деҳқонов каби фоторассомларнинг бугун бадиий фотография ривожи йўлида қилаётган ишларидан ўрнак олса арзийди. Зеро, халқ маънавиятини бойитиш учун қилинаётган ҳар бир эзгу иш келажакда ўз мевасини беради.

Назира БОЙМУРОДОВА

Болалар оламининг кашфиётлари

Юртимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор хорижий давлатларда ҳам юксак ибрат намунаси сифатида эҳтиром билан тилга олинаяпти. Хусусан, болалар спортини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг тотли меваларини бераётган бўлса, таълим соҳасидаги ислоҳотлар интеллектуал ёшлар сафининг тобора кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

«Тонг юлдузи» газетаси ҳам бу хайрли ҳаракатларнинг фаол тарғиботчиларидан бири сифатида ёш авлоднинг ҳар бир ютуғини кўздан қочирмай ёритиб боришга ҳаракат қилмоқда. Газетада айрим соҳалар бўйича, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, она табиатни асраш каби мавзулардаги махсус сонлар болалар дунёқарашини бойитиш йўлида асосий омиллардан бирига айланган.

Яқинда эзгу анъаналарнинг давоми сифатида газетанинг ёш техник ва ихтирочи ўқувчилар фаолиятига бағишланган махсус сонини чоп этилиши болалар қатори катта ёшдаги муштарийларга ҳам шавқ бағишлади. Зеро, кўплаб иқтидорлар етишиб келаётганига гувоҳ бўлиш завқли, албатта. Газетанинг мазкур сони сизга ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Рукнимиз меҳмони — Уюшманинг Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов билан бўлимда амалга оширилаётган хайрли ишлар, ютуқлар, муаммолар, вазифалар ҳақида гаплашдик.

— Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, — деди у суҳбатимиз аввалида, — Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ва умуман ижод аҳлига катта эътибор берилаётгани, жумладан, матбуотнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилаётгани шу соҳанинг "нонини еяётган" журналист сифатида мени беҳад қувонтиради. Биргина вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимиз мустақиллиги шарофатидан ОАВ сони 4,5 баробарга кўпайиб 90 тага етди. Унинг 60 га яқини хусусий нашр ёки электрон ОАВ экани алоҳида эътиборга лойиқ. Интилиб, изланиб ишлаётган журналистлар хар тарафлама рағбатлантириляпти. Вилоятда учта "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист", ўндан зиёд Давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларимиз бор. "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари таҳририятининг ижодий жамоаси эса бу йил "Олтин қалам" Миллий мукофотининг бош совринини қўлга киритди. Бу ҳам биз учун катта ғурур бағишлади. Ёш журналистларимиздан Моҳиёра Бойбобоева ва Зарнигор Омонуллаевалар "Келажак овози" танловининг публицистика йўналиши бўйича ғолиб бўлдилар. Бундай мисоллар оз эмас. Дарҳақиқат, ютуқлар ўзимизники. Аммо, бугунги ютуқ эртага оддий ҳолат бўлиб қолишини ҳам унутмаслик керак. Кўпинча, ижодий уюшманинг вилоят бўлими фаоллари, тажрибали журналистларимиз билан бўлиб ўтадиган ижодий суҳбатларимизда фаолиятимиздаги айрим муаммолар тилга қалқиб чиқади.

Биринчидан, назаримда, қатор ОАВда воқеликни ёритишда уларнинг мақсад-вазифаси, ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, бир хиллик юзага келган. Атрофимизда шубҳасиз, улкан ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар, асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилляпти. Аммо аксарият ҳолда матбуотимизда бу мавзуларни ёритишда чуқур таҳлил етишмайди, масала моҳияти очиб берилмайди. Шундай миқёсдаги ишлар нима учун керак, унинг иқтисодий асоси қаерда, одамлар ва жамиятга нима беради каби саволлар очиқ қолади-да, баландпарвоз иборалар эгаллайди ўрнини. Шу билан бирга жойларда ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги бугунги кунда фермер хўжаликларига асосланган. Аммо уларнинг айримларида соҳага керакли бўлган мутахассислар етишмайди.

Бундай мисолларни бошқа соҳаларда ҳам учратиш мумкин. Бундан журналистларимиз бехабар ҳам дея олмайман. Унда нега матбуотда бу мавзулар кўтарилмайди? Ахир шу каби масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш ОАВларининг бирламчи вазифаси эмасми?

— Бундай масалалар ечимида Ижодий уюшманинг вилоят бўлимида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Биз вилоятда чоп этиладиган бирон-бир босма нашр мисолида кўчма семинар ўтказамиз. Унда иккита масала, газетанинг икки йиллик таҳлами ўрганиб чиқилиб ижодий таҳлил қилинади ва муассис-таҳририят ўртасида шартнома шартларининг ижроси муҳокама этилади. Семинар очиқ-ошкора, танқидий руҳда ўтади. Биласизми, шу ерда таъкидланган ютуқ, аниқланган камчиликни ҳар бир муҳаррир ўзи раҳбарлигидаги нашрга таққослайди. Натижада борган сари газеталаримиз нуқсонлардан холи бўлиб бормоқда. Кейинчалик биз республикадаги ўнга яқин вилоятлар журналистлари билан ижодий ҳамкорликни ташкил этдик. Вилоятлар бош нашрларининг қўшма сонларини чиқардик. Телевидениелар эса ўзаро кўрсатувлар алмашиб намойиш этдилар. Натижада биз вилоятлардаги журналистлар ҳаёти, иш шароити, ижодий муҳитидан ҳам хабардор бўлдик.

Биз вилоятимизда фаолият кўрсатаётган қалам аҳлининг саломатлигини тиклаш, ҳордиқ чиқаришларига ҳам эътибор қаратганмиз. Ҳар йили ўнлаб журналистлар дам олиш уйларига бепул йўлланма билан таъминланади. Ўтган 5-6 йил оралиғида 80 дан зиёд ҳамкасбимиз "Чимён" сиҳатгоҳида соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтдилар.

Ижодий жараённи янада юқори поғонага олиб чиқувчи омиллардан бири — истеъмолчи баҳоси, фикри ва таклифидир. 2012 йил кузида бир неча ОАВ мисолида социологик тадқиқот уюштириш ҳақида тегишли ҳамкорлар билан иш бошладик.

— Марказий нашрларда ҳудудий матбуотни шарҳлаб бориш масаласига қандай қарайсиз?

— Бу жуда муҳим ва долзарб масала. Муҳтарам Юртбошимиз 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табрикларида матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик диққатини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Оммавий ахборот воситалари босмами, электрон шаклдами, барчасининг ижодий фаолиятига вақти-вақти билан олим, мутахассис, газетхон муносабатини, фикр-мулоҳазаларини эълон қилиб туриш зарур. Бу вазифани севимли "Ҳуррият" газетаси ва "Ўзбекистон матбуоти" журнали бир қадар зиммасига олган. Лекин, менимча, унга кенгроқ ўрин бериш лозим. ОАВга ташқаридан туриб баҳо берилса, матбуот ходимлари ўзларидаги камчилик, фойдаланилмаётган имкониятларни тез илғайди, илғор тажрибалар оммалашади. Матбуотнинг катта-кичиги бўлмайди. Зеро, айтилган сўз учун у қаерда эълон қилинмасин бирдек масъулмиз.

— Анжуманлардан бирида Фарғоналик журналистларнинг ўртача ёши 50 дан кам эмас, дегандингиз, хўш, масаланинг ечимини нимада кўрасиз?

— Матбуотга ёш, олий маълумотли журналистлар жуда-жуда керак. Тошкентдаги олий ўқув юртларида эса фарғоналик талабалар бизнинг эҳтиёжимизни қондирадиган даражада кўп эмас. Камида уч йиллик амалий иш фаолиятига эга бўлган, ОАВда муқим ишлаётган ёшлар учун олий таълимнинг сиртқи бўлими ҳам очилса, деган орзудамиз. Ахир, дунё тажрибасида масофавий таълим мезонлари ҳам бор-ку.

— Аввало газетхонларимизга, қолаверса ҳамкасбларимизга тилак ва истакларингиз?

— Юрт тинчлиги, эл фаровонлиги ҳамма тилакларимиздан устун туради. Матбуотимиз эса ҳамиша очиқ, ошкора, эркин фикрлар хилма-хиллиги минбари бўлиб қолишини тилайман.

Суҳбатдош:
Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА

ДАРАКЛАР

ЁНҒИН ТУФАЙЛИ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШнинг Колорадо штатида кучли ўрмон ёнғинлари туфайли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу ҳақда "France-Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.



Ҳозирда штатнинг Вальдо-Каньон ва Хай-Парк ҳудудларида вазият анча қалтис. Колорадо-Спрингс ҳокими Стив Бэчнинг журналистларга берган интервьюсига кўра, шаҳар атрофидаги 346 та уй-жой ёниб кул бўлган. 7500 гектар экин майдони зарар кўрган. "Reuters" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, ҳудудда бир киши ҳалок бўлган, 35 минг киши эвакуация қилинган. Айтиш мумкинки, ушбу ёнғин штат тарихидаги энг йириги бўлиб турибди.

Чақмоқ уриши натижасида юзага келган ёнғин штатнинг яна бир ҳудуди Хай-Паркдаги 257 та уйнинг ёниб кетишига сабаб бўлди. 35 минг гектар ерга жиддий зарар етди.

РЕКЛАМАСИ ҚИСҚА — САМАРАСИ КАТТА

"Neuro Focus" компанияси ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, реклама қанчалик узоқ вақт давом этмасин, кичик видеорекламачалик яхши натижа бермайди.

Тадқиқотлар CBS телеканали буюртмасига биноан ўтказилиб, видеороликларни томоша қилаётган кишиларнинг мия фаолиятини кузатишга асосланди.

Олимларнинг таъкидлашича, инсон мияси томоша вақтининг бошланғич даврида сюжет якуни ҳақида олдиндан билиш қобилиятига эга. Шу боис, 30 секундлик реклама вақтининг икки баробар қисқартирилиши натижага ҳеч қандай таъсир ўтказмайди.

CBS телеканали вакилининг айтишича, қисқа ва шу билан бирга мазмунга бой рекламаларнинг яратилиши телеканалга телевидение, интернет ва мобиль хизматларини бирлаштиришга ёрдам беради.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

Бир гуруҳ олимлар чекишга ружу қўйган кишиларнинг тамакига боғланиб қолиш ҳолатини сустлаштирувчи вакцина яратишди. Маълум бўлишича, жигар тўқималарига генетик модификация қилинган вакцинанинг юборилиши кишининг тамакига бўлган қизиқишини сўндиради.



BBC тарқатган маълумотларга қараганда, ушбу янги препарат инсон организмининг оқсил ишлаб чиқишига имкон беради ва чекаётган киши миясига бораётган никотин йўли тўсилади. Натижада тамакига эҳтироси баланд бўлган ҳар қандай кимса ҳам чекишни ташлайди.

Ҳозирча вакцина инсонларда синаб кўрилмади, аммо жониворлар устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, вакцина никотиннинг мияга бориб етишини 85 фоизга пасайтиради. Олимлар эришилган натижани юқори баҳолашмоқда, сабаби шу вақтгача ушбу йўналишда ўтказилган тажрибалар ҳеч қандай натижа бермаган.

КЎЗ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИДА ЯШАГАН ҚУРТ

BBC тарқатган маълумотларга қараганда, Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги Фортис шифохонаси жарроҳлари мижозлардан бирининг ўнг кўзидан узунлиги 12 сантиметр бўлган тирик чувалчангни олиб ташлашди.

75 ёшли П.Кришнамурти кўз оғриғидан шикоят қилиб шифохонага мурожаат қилади. Текширувдан сўнг мижозга дардни енгиллаштирувчи бир қанча дори-дармонлар тавсия қилинади. Аммо бу ҳеч қандай натижа беравермагач, Кришнамурти иккинчи бор текширувдан ўтади ва унинг кўз шиллиқ пардасида паразит борлиги аниқланди.

Доктор Ситараман бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар жарроҳлик йўли билан чувалчангни олиб ташлаши учун 15 дақиқа вақт кетди. Ситарман мижознинг кўзидан қуртни чиқариб олар экан, ҳайратдан ёқа ушлади. Унинг таъкидлашича, у ўзининг 30 йиллик фаолияти давомида бундай ғайриоддий ҳолатга дуч келмаган.

6 МЕТРЛИК ТИМСОҲ

Филиппиннинг Бунаван шаҳридаги Лолонг лақабли қиррадор тимсоҳ Гиннесс рекордлари китобига кирди. "Associated Press" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, у туткунликда яшовчи дунёдаги энг узун тимсоҳ сифатида тан олинди.



Аниқланишича, Лолонгнинг узунлиги 6 метру 17 сантиметрни ташкил этган. Бу билан у Австралиядаги тимсоҳлар паркида яшовчи 101 ёшли Кассиус Клейдан энг узун тимсоҳ унвонини тортиб олди. 5 метр 49 сантиметр узунликдаги Клей 2011 йили Гиннесслар китобига киритилганди.

Маълум бўлишича, қиррадор тимсоҳлар мазкур туркумнинг энг йирик кўриниши ҳисобланади. Ушбу турдаги нар тимсоҳларнинг узунлиги 8 метрдан, оғирлиги 1 тоннадан ошиши мумкин.

БАХТ КУНИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

"France-Presse" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, БМТ Бош ассамблеяси 20 март кунини "Халқаро бахт куни" деб эълон қилди. Қарор БМТ таркибига кирувчи 193 та давлат вакиллари томонидан тасдиқланди.

Агентликнинг таъкидлашича, кўплаб давлатлар ҳар бир миллат қай даражада фаровон ҳаёт кечираётганини кузатар экан, мамлакатлар аҳолисининг бахтлилик даражасига ҳам эътибор бермоқда, чунки иқтисодий кўрсаткичлар вазиятга объектив ёндашиш имконини бермаяпти.

Маълум бўлишича, БМТ халқаро календарида юздан ортиқ нишонланадиган байрамлар мавжуд.

ПОЛВОН ЧАҚАЛОҚ



1955 йили Италияда 10,2 килограмм вазнда дунёга келган чақалоқ узоқ вақт давомида биринчиликни ҳеч кимга бермай келаётганди. Аммо яқинда Хитойда туғилган, ўзининг оғирлиги билан барчани лол қолдирган чақалоқ мазкур кўрсаткич бўйича яккол пешқадамга айланди.

Буни қарангки, полвон чақалоқнинг оғирлиги 17,04 килограммни ташкил этган. Маълум бўлишича, вазни бўйича учинчи ўринда турувчи чақалоқ 2009 йил 24 сентябрь куни Индонезияда туғилган.

НОЁБ МАШИНА

"Гудвуддаги тезлик фестивали" доирасида ўтказилган ноёб автомобиллар кимошди савдосида 1929 йил ишлаб чиқарилган "Bentley Blower" машинаси Буюк Британиядаги аукционларда сотилган энг қиммат автомобиль сифатида тан олинди. Мазкур нодир автомобиль салкам 8 миллион АҚШ долларига баҳоланди.

Автомобилга бундай юқори нарх берилиши бежиз эмас. Унинг биринчи эгаси Генри Биркин 1931 йили ушбу машинада соатига 220 километр масофани босиб ўтиб, тезлик бўйича ўша вақтда рекорд натижани қўлга киритган.

Ҳозирча кимошди савдо уйи раҳбарияти машинани сотган ва сотиб олган кишилар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаяпти.

Аукционда 1912 йили ишлаб чиқарилган "Rolls-Royce Silver Ghost" лимузини 7,3 АҚШ долларига сотилиб, қимматлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Кайфият кўтариладиган бўлдими?

ЕИ "Иқтисодий ва валюта иттифоқига йўл" ҳамда "Европанинг ўсиш пакти" ёки "Монти дастури" деб номланган аксилинқироз чораларини маъқуллади

Глобал молиявий инқироз бошланганига тўрт йил тўлганига қарамай, ушбу мавзу ҳамон жаҳон оммавий ахборот воситаларида энг кўп тилга олинаётган масала бўлиб қолмоқда. Гарчи АҚШ, Япония ва яна бир қатор мамлакатларда узун қора йўлак охирида ёруғлик кўринган бўлса-да, Европа мамлакатлари ҳануз мавҳумлик исканжасида. Айниқса, евро пул бирлиги ҳудудидаги 17 мамлакатда ишсизлик даражаси яна ошгани тўғрисидаги хабарлар дунё фонд биржасида салбий акс-садо бераяпти.

Европа Иттифоқи статистика маркази — Eurostat маълумотларига кўра, Евро ҳудудда ишсизлик даражаси ўтган ой 11,1 фоизга етган. Энг кўп ишсизлар Испания ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатда ишсизлик 24.6 фоизни ташкил этади.

Умуман, ўтган ой Евромаконда 17,6 миллион ишсиз рўйхатга олинган.

Тўғри, Европа Иттифоқи давлатлари муаммога нисбатан бефарқлик билан қараётгани йўқ. Аксинча, бир қатор саммитлар ташкил этилиб, тангликдан чиқишга оид кўплаб таклифлар ўртага ташланмоқда. Хусусан, куни кеча Европа Иттифоқи давлат ва ҳукумат раҳбарлари Брюсселда тўпланиб бир тўхтамга келишга уриндилар. Бунинг натижаси ўлароқ, евро долларга нисбатан 2 фоизга қимматлади, Brent маркали нефть 7 фоизга арзонлашди, дунёнинг етакчи биржаларида акциялар нархи 3,5 дан 5 фоизгача ўсди. Бунинг сабаби оддий. Европа Иттифоқи раҳбарлари ниҳоят инқироз бошқарув хусусиятга эга эканлигини, ундан чиқишнинг йўли битта — интеграцияни чуқурлаштириш борасидаги ҳақиқатни англаб етдилар. Ягона тўхтамга келиш учун эса уч йилдан бери 19 маротаба олий даражада учрашув ўтказишга тўғри келди. Ана шу муддат ичида Греция банкротлик ёқасига келган бўлса, Италия, Испания ва Кипрнинг банк тизимлари инқироз хавфи остида қолди.

Айтиш жоизки, шу бугунга келиб Евромакондаги 17 та мамлакатнинг 6 таси қарздорлик ботқоғига ботди. Мазкур оғир ва мураккаб вазият тезкор чоралар кўришни талаб этаётир. Вазиятнинг ўнгланишидан ЕИнинг ташқи ҳамкорлари ҳам манфаатдор. Чунки евронинг инқирози жаҳон иқтисодиётининг емирилишига олиб келиши мумкин.

ЕИ саммитида аъзо мамлакатлар раҳбарлари ҳукмига иккита асосий режа тақдим этилди. Буларнинг бири ЕИнинг бир гуруҳ етакчилари ҳамда Европа Марказий банки томонидан илгари сурилган "Иқтисодий ва валюта иттифоқига йўл" деб номланган. "Европанинг ўсиш пакти" ёки "Монти дастури" деб номланган, Римда Италия, Франция, Германия ва Испания раҳбарлари иштирокидаги мини саммитда эришилган яна бир режа эса иқтисодиётни ва бандликни рағбатлантиришни кўзда тутади.

Кузатувчилар фикрича, ЕИнинг бу галги саммити қарорларга бой бўлгулик ҳужжатлар қабул қилинди. Учрашув якуни бўйича 15 саҳифага жо бўлгулик ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, мазкур ҳужжатлар халқаро бозорда кўтаринки кайфият уйғотди. Улардан бири, Европа Марказий банкининг ягона назоратчи органини тузиш қароридир. Янги орган Европанинг "қутқариш фондлари"ни қарздорлик ботқоғига ботган ҳукуматларни четлаб ўтган ҳолда муаммоли банкларга тақдим этади. Хусусий молиявий сармоядорларга эса катта имтиёзлар берилади. "Қутқарув фонд"ларининг маблағлари Евромакондаги мамлакатлар давлат облигацияларини ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи аукционлардан сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин. Аммо бугун Европа оиласи учун энг муҳим масала дефольтнинг олдини олишдир. Саммитда Греция, Испания ва Кипрни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қисқа муддатли чоралари ҳақидаги келишувнинг имзоланиши билан муаммоли мамлакатлар дефольтининг олди олинди. Таъкидлаш жоизки, барча давлатларнинг инқироздан чиқиш борасида ягона тўхтамга келишида Европа Иттифоқи президенти Херман Ван Ромпейнинг хизмати катта бўлди. Ваҳоланки, сўнгги дақиқаларгача ушбу масалада Германия канцлери Ангела Меркел хонимнинг нуқтаи назари бошқаларникидан ажралиб турарди. Яъни Меркел хоним бир давлат қарзи иккинчи бир давлат ҳисобига қопланишига қарши турди.

Саммитда шу билан бирга иқтисодиётни жонлантириш ва ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш мақсадида 130 миллиард евролик маблағни қандай сарфлаш масаласида ҳам келишувга эришилди.

Албатта, келишувлар ўз йўлига. Аммо ЕИ эришилган келишувларни амалга ошира оладими ёки йўқ, бу мавҳум масала. Евроинқироз эса ҳали кун тартибидан тушганича йўқ. Зеро, юнонлар боши узра ҳамон қора булут кезаяпти. Элладада тушкунлик, ишсизлик, қашшоқлик шарпаси кучайса кучаяптики, камайгани йўқ.

Таҳлилчилар эътироф этаётганларидек, жорий глобал молиявий инқироздан керагича сабоқ чиқарилмаган. Тўрт йил бўлаяптики, йирик давлатларнинг тангликдан чиқиш борасида аниқ ва ягона фикрга кела олмаётганликлари бунинг исботидир. Ваҳоланки, дунё миқёсида катта саккизлик ва катта йигирмалик саммитлари бир неча бор ўтказилди.

Шу пайтгача АҚШ томони ҳаммаси бўлиб 787 миллиард долларлик қутқарув режасини тасдиқлади, Хитой ҳукумати, худди шу мақсадларга қарийб 600 миллиард доллар сарфлаган. Исландия, Сербия ва Латвия каби у қадар бой бўлмаган мамлакатлар эса ёрдам сўраб халқаро молиявий ташкилотларга мурожаат қилишди. Хуллас, инқирозни бартараф этиш йўлида сарфланган маблағлар триллионлаб долларга тенгдир.

Молиявий ташкилотлар чиқараётган ҳисоботларга кўра, етарлича сабоқ чиқарилиб, лозим чоралар вақтида кўрилмаса, бу инқироз охиргиси бўлмайди. Ана шу каби муҳим чоралар сифатида айрим мамлакатлар Марказий банкларга йирик молиявий компанияларни кучлироқ назорат этиш, инқироз таҳдиди пайдо бўлган вақтда уларни бутунлай ўз қарамоғига олишни таклиф этмоқда. Шунингдек, ипотека, машина олиш учун бериладиган қарзлар ва кредит карточкалари орқали олинадиган маблағларни назорат қилиб борувчи махсус ҳимоя агентликларини тузиш ҳам назарда тутилмоқда. Аммо тавсия этилаётган барча таклифларга банк саноати вакилларини кўндириш ҳозирча осон бўлмаяпти.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Ҳамза туманидаги «ISKANDAR TOTLI TAOM» хусусий корхонаси тугатилганлиги муносабати билан даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Тузатиш: газетанинг ўтган №28-сони №27-сон деб ўқилсин.

КУЗАТУВ

Ном қўйиш ҳам санъат

Яқинда «Киномания» кўрсатувини томоша қилдим. Унда: «Киночиларимиз кунига бўлма са ҳам ҳафтасига янги бир фильм яратиб, унинг тақдимотини кинотеатрлар орқали оммага намойиш этмоқда», деган бир фикр илгари сурилди. Мен ҳайрон бўлдим: бундан қувониш керакми ёки бу жараённи жиддий муҳокама қилиш лозимми?

Салмоқли, ҳаётий мукаммал фильмлар катта машаққат билан узоқ йиллар давомида яратилади. Шу боис бундай ижод маҳсуллари йиллар синовидан ўтиб, кўнгилларга маърифат улашиб яшайди. Бир мисол. Ҳар йили янги йил арафасида деярли барча МДҲ давлатлари телеканаллари, ҳатто ўзимизнинг телевидение ҳам «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг», ё «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради», «Кавказ асираси», «Ы операцияси» каби фильмлар намойиш этилади. Нега? Бунинг сабаби оддий. Улар ўша давр ҳақида мароқли тасаввур уйғотиб қолмай, кишига хушкайфият улашади. Ҳолбуки, ўша кезларда минглаб кинолар яратилганки, бугун уларнинг аксарияти ҳатто хотирадан ҳам ўчиб кетган.

Кейинги пайтларда ўзбек кино саноати жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бунга «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда хусусий киностудиялар томонидан яратилаётган кўплаб янги фильмлар мисол бўла олади. Айниқса, «Ватан», «Сув ёқалаб», «Қўрғошин» ва «Паризод» каби бир қанча яхши фильмларнинг экран юзини кўргани кишини қувонтиради.

Шу ўринда биз сўнгги йилларда яратилаётган фильмларнинг бир қирраси, яъни уларнинг номланиши хусусида сўз юритишни лозим топдик.

— Одатда, бола туғилса, оилавий анъана, миллий қадрият ва шарт-шароитдан келиб чиқиб, унга исм қўйилади, — дейди Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти кафедра мудири, доцент Равшан Жомонов. — Ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам номланади. Айни пайтда бадиий ва тасвирий асарлар, яратилган ҳар бир буюм маълум бир номга эга бўлади. Масалан, «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Навоий» ва «Улуғбек хазинаси» каби романларнинг номи тилга олиниши билан тарих қайтадан жонланади ва киши қалбига ҳузурбахш нур кириб келади. Ёки «Тоҳир ва Зуҳра», «Маҳаллада дув-дув гап», «Мафтунингман», «Ёр-ёр» каби бадиий фильмларнинг номи ўзбек ҳаёти, миллий маданияти ва маънавиятидан далолат бериб туради. Улар тилга олинганда, қандай ўқиганинг ёки томоша қилганинг, шу билан боғлиқ хотиралар хаёлдан ўтади.

Дарҳақиқат, шундай. Хўш, бугунги кунда яратилаётган фильмлар, уларга қўйилган номлар шу хусусиятга эгами? Назаримда, фильм ижодкорлари асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, уни номлашга ҳаракат қилмоқда. Бунга «Ватан», «Паноҳ», «Ўтов», «Чавандоз», «Телба» каби фильмлар мисол бўла олади. Лекин аксарият фильмларнинг номи кишини ўйлантиради. Масалан, «Чаллари», «Келгинди келин», «Севгинатор», «Киракаш», «Жаноб ҳеч ким», «Олинг қуда, беринг қуда», «Тундан тонггача», «Келгинди қайнона», «Замонавий совчилар» каби номлар томошабинга нима беради?

Кўрган бўлсангиз, «Келгинди келин» дуруст асар. Ҳар ҳолда, юмор бор, инсоний туйғулар, характер ва жиддий саҳналар мавжуд. Айрим ўйдирма ҳолатларни айтмаса, анча яхши. Мароқ билан кўрилади. Дилноза Кубаева, Фаррух Соипов жуда жонли образлар яратган. Лекин фильм тўғри номланмаган. Асарга ном чуқур ўйланмасдан қўйилган. Бошқа кинофильмларнинг номлари эса муҳокама қилишга ҳам арзимайди. Хусусан, «Етти ҳайкал, битта кал», «Омадли омадсизлар», «Қутқаринг, мен қарияпман», «Ўзимдан ўзимгача» каби фильмларнинг номлари ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Шунингдек, «Бекорчилар», «Салом севги, ҳайр севги», «Пойма-пой» деб аталган фильмларда ўзбек менталитети, она тилимизнинг беқиёс гўзаллиги ўз ифодасини топмаган, аксинча, она тилимиз «пойма-пой» бўлиб кетган.

Одатда, ҳар бир фильм сценарийдан бошлаб экранга чиққунча бир қанча мутасадди ташкилот ва мутахассислар кўригидан ўтади: сюжети, бадиий савияси, ғоявий-мафкуравий жиҳатлари қайта-қайта муҳокама қилинади. Лекин, негадир, фильмнинг номланишига ҳеч ким жиддий эътибор қаратмаяпти. Назаримда, ҳар қандай ном — миллий тилга хурмат ва эҳтиром билан қаралган ҳолда, жиддий кўриб чиқилмоғи зарур. Акс ҳолда, у катта маънавий зиён етказади. Масалан, кино оламига кириб келаётган ёшлар «Севгинатор» деган номдан келиб чиқиб, шундай қилса бўлар экан-ку, деб ўйлаши ва шундай йўл тутиши, ўз фильмига бундан ҳам чучмал ном қўйиши ҳеч гап эмас...

Кинотеатрлар ёнидан ўтганда, катта афишаларга кўзингиз тушади. Янги номлар, янги фильмлар. Кучли реклама сабаб, кинотеатрлар томошабин билан гавжум. Ана шу томошабинларнинг ҳурмати учун киночиларимиз жиддий асарлар яратишга ва уларни муносиб номлашга ҳаракат қилса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки кинонинг номи қанча жарангдор, мазмунли ва маърифий бўлса, томошабинни ўзига шунча тортади, узоқ вақт хотирасида сақланади. Машҳур режиссёр ва актёр Мел Гибсоннинг «Шерюрак», Илья Эринбургнинг «Москва кўз ёшларга ишонмайди», шунингдек, «Ишдаги ишқ» ёки корейс ижодкорлари яратган «Денгиз ҳукмдори», «Сарой жавоҳири», «Қиш сонатаси», «Ёз ифори» фильмларини бир эсга олинг. Бу фильмлар номлари асар маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг.

Қисқаси, ҳар қандай асар заҳмат билан яратилади. У — ижод маҳсули. Шундай бўлгач, ижодкор ҳар бир хатти-ҳаракати билан ибрат бўлиши, халқимизни, тилимизни, миллатимизни ҳурмат қилишга ундаб туриши лозим. Шундай эмасми?

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
журналист

БУ ТУРФА ОЛАМ

Ўрта тош даврига оид Зараутсой қоя тасвирлари шундан далолат берадики, итлар инсониятнинг овдаги биринчи ҳамроҳи бўлган. Маълумотларга кўра, дунёнинг деярли барча ҳудудларида тарқалган, бугунга келиб 400 дан ортиқ зоти аниқланган бўрисимонлар оиласига мансуб итлар милоддан аввалги 15-10 минг йилликларда хонакилаштирилган. Мана, шунга ҳам юз асрдан кўпроқ вақт ўтди. Юз асрки, у инсоннинг вафодор дўсти, содиқ ҳамроҳи бўлиб келмоқда.

Вақт ўтиши билан итларнинг турли мураккаб вазифаларни уддалай олиши маълум бўлди. Масалан, 60 минг нафар итнинг иккинчи жаҳон урушида иштирок этгани, душманнинг 300 дан зиёд танкини портлатгани, 200 мингта ўта муҳим жанговор маълумот тўплагани, 6 тонна ўқ-дорини фронт ичкарисига етказиб бергани, 4 миллионта минани зарарсизлантирганидан кўпчилик бехабар бўлса керак. Санитар итлар эса оғир яраланган 14 мингта аскарни фронт чизиғидан олиб чиққанига нима дейсиз?! Бундан ташқари, итлар қидирув, қоровуллик, юк ташиш каби махсус вазифаларни ҳам сидқидилдан бажаради.

Вафодор



Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази, мана, бир неча йиллардан бери кинологлар ва хизмат итларини тайёрлаб келмоқда. Марказ зиммасига Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кинология хизматларини услубий таъминлаш, малакали кинологларни, наслдор хизмат итларини тайёрлаш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш каби вазифалар юклатилган. 1996 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган марказ нафақат республикамизга, балки бутун Марказий Осиё минтақасига ҳам кинологлар ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди. Жумладан, ўтган йиллар давомида Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон божхона хизматлари учун гиёҳванд, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириб топишга ихтисослашган ҳамда антитеррор йўналиши бўйича хизмат итлари тайёрланиб, хорижий кинологлар ҳам мазкур ўқув курсларида таҳсил олишди. Шунингдек, Франция, Австрия, Россия Федерацияси, Латвия каби давлатларнинг юқори малакали мутахассислари миллий божхона тизимида кинология хизмати иш фаолиятининг шакл ва усулларини ўрганиш билан бир қаторда, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб келишмоқда. Тўпланган тажриба ва ютуқларни инобатга олиб, жаҳон андозаларига тўла жавоб берувчи Миллий кинология марказига 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Минтақавий кинология маркази мақоми берилди.

Бу ерда немис овчаркаси, Ўрта Осиё овчаркаси, лабрадор, инглиз коккер-спаниели, рус спаниели зотларига мансуб зотдор итлар мавжуд. Улар темпераменти — мижозига қараб мос келувчи махсус йўналишлар бўйича хизматга тайёрланади.

— Сўнгги йилларда марказ томонидан нафақат Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмаларида, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда хизмат олиб бориш учун 2,5 мингдан ортиқ инспектор-кинологлар ўқув курсларидан ўтказилиб, 3,4 мингдан ортиқ хизмат итлари тайёрлаб берилди, — дейди марказ директори Парда Холиёров. — Тайёргарликдан ўтган кинологлар ва хизмат итлари, махсус ўқув-тайёргарлик жараёнида олган кўникмаларини хизмат жойларида амалиёт билан узвий давом эттирмоқда.

Ўтган давр мобайнида марказимизда таҳсил олган кинологлар томонидан хизмат итлари кўмагида аниқланган 1800 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида 3 тоннага яқин гиёҳванд моддани, 310 та қонунбузарлик ҳолатида эса жиноятчилар томонидан турли ўқотар қуроллар ва портловчи моддаларнинг мамлакатимиз сарҳадлари оша олиб ўтишга бўлган уринишларнинг олди олинди. Бир сўз билан айтганда бугун мамлакатимизда кинология соҳасига берилаётган эътибор, яратилаётган шароит туфайли у алоҳида йўналиш ва фан сифатида шаклланди. Назарий таълимотлар амалиётга татбиқ қилиниб, халқаро миқёсда ўз эътирофини топди.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

АҲИЛ МАҲАЛЛА

Кайвони аёллар

Ҳар сафар Бухорога, қадрдон қишлоғимга борганимда маҳаллаларимиз жамоли кундан кун очилиб бораётганининг гувоҳи бўламан. Янги-янги кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик, қурилиш ишларига қўл урилаётганини кўриб, бошим осмонга етади. Одамлар чеҳрасида самимийлик, қарию ёш бирдек ҳурмат-иззатда, бир-бири билан жуда аҳил-иноқ, елкадош. Тўйида қўлини кўксига қўйиб, азасида белини маҳкам боғлаб бир-бириникида хизматда. Йўғини яшириди, борини оширади.

Эсимда, мактабда ўқиб юрган кезларим, тенгқур қўшнимиз кўпинча дарсларга бормасди, гоҳида кечикиб, дарс тайёрламай ёки бўлмаса нонушта қилмай, усти-боши кир аҳволда келарди. Шундан билардим, уйларида яна жанжал бўлган, ойиси бувасиникига аразлаб кетиб қолган. Шунақа пайтларда ойимнинг бир оёғи қўшнимизникида бўларди. Сигирини соғиб, кези келганда нонини ёпиб, овқат тайёрлаб берарди. Маҳалла фаоллари ўртоғимнинг бувасиникига бориб, узр сўраб онасини қайта олиб келишарди. Келгач қўшни аёл овқатми ёки бирор ширинликми олиб чиқиб, ойимга раҳмат айтиб кетарди.

Ҳозир ўйласам, гарчи бу бир қарашда оддий воқеадай бўлиб туюлса-да, аслида, маҳалламиз фаолларининг бир оила тақдири учун қайғуриши экан.

Ёзги таътил пайти. Кун бўйи иссиқда ишлаб чарчаган ойимнинг негадир ҳали ҳам кўзида уйқу йўқ. Сабабини сўраган эдим, индамади, фақатгина чуқур уҳ тортди. Ярим тунда уйғониб ёнимга боқсам ойим ҳали ҳам шифтга термулганича ўйловлар қуршовида.

Қистовга олаверганимдан кейин онам ёрилди.

— Келаси ҳафта қўшнимиз Дилором опа қизини узатаяпти. Бевалиқда тўй қилишнинг ўзи бўлмайди. Қизининг кўнгли ўксимасин, дейманда, болам... Ҳаддим сиққан қўшни аёлларга маслаҳат солсам, улар, кайвонилар билади нима қилишни — деди. — Қўшнилар билан тўй харажатларини бир четини кўтаришга келишдик. Биз ҳам бир чеккасини кўтарсак, ширинликлар пиширсак, девдим. Маҳалла-кўй, қўшни бир-бирининг корига яраса, савоб-да...

Тўй чиройли, ҳаммани ҳавасини келтирадиган тарзда ўтди.

Шаҳарга қайтганимдан сўнг ойим билан телефонда гаплашганимда ҳам, суҳбатимизнинг мўқаддимаси маҳалламиз, қўшниларимиз ва ойимнинг «ҳадди сиққан тўрт-бешта» хотинларнинг кимнингдир ташвишига бош-қошлиги ҳақида бўлади.

Халқимизда «Маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Илгарилари маҳалламиз қизлари эрта турмушга чиққан ёки қариндош ўртасида қурилган никоҳлар кўп бўлган. Бугунда эса маҳалла фаоллари, ёши улуғ инсонлар бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Айниқса, кайвони аёллар бу масалага жиддий киришади. Маҳалла мазмун-моҳиятига кўра, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари улуғланадиган ўзига хос тарбия маскани.

Гўзал МАЛИКОВА

ОҒРИҚ НУҚТА

ЙЎҚОТИЛАЁТГАН БОЛАЛИК

— Ёрдам беринглар! Отам-онам касал. Укаларим оч. Кийишга кийимимиз йўқ, уларга нон олиб боришим керак. Илоё, мендан қайтмаса худодан қайтсин, — деб қўлида бир болани кўтариб олган 10-11 ёшдаги қизчани ҳар куни метрода кўришга ўрганиб қолдим.

Бир куни уни метро бекатларидан бирида яна кўрдим. Ёнида ўрта ёшли бир жувон ҳам бор эди. Қизнинг қўлида эса чақалоқ. Гўдак ниҳоятда кичкина ва нимжон эди. Унинг дунёга келганига нари борса икки-уч ой бўлгандир. Афсус, ҳали у онасини тузукроқ таниб олмасиданоқ "тирикчилик" воситасига айланибди.

Ўша куни журъатим етиб қизчани суҳбатга тортдим.

— Поездлар ўтиб кетаяпти, нега вагонга чиқмаяпсан?

У индамади, гапни бошқа томонга бурдим.

— Чарчадингми? Чақалоқни бирпас ўриндиққа қўйсанг-чи?

— Йўқ, ухлаб қолади. Кейин кўтариб бўлмайди.

— Неча ёшдасан?

У саволимга жавоб беришни истамади. Балки, неча ёшдалигини билмас. Қизиғи шундаки, у ҳеч нарсани билмаса-да, ўзининг ишини пухта бажарарди. Вагондан-вагонга чаққонлик билан ўтиб, одамлардан кўпроқ пул олишга ҳаракат қиларди. Шу пайт хаёлимга баъзи саволлар келди: "Мактабга борармикан? Келажакда ким бўлмоқчи? Улғайганида болалигидаги қайси дамларни соғиниб фарзандларига сўзлаб бераркан? Ота-онаси томонидан болалигидан маҳрум этилган бу гўдак фарзандига болалик бахтини ато эта олармикан?"

Йўқ, у бу саволларни умрида ҳам эшитмаган бўлса керак.

Ўқишдан қайтаётганимда гавжум кўчанинг бир чеккасида ўтирган болали аёлга йўликдим. У ерга бир парча мато тўшаб, унинг устида боласини ухлатарди. Бор овози билан ҳаммага фарзандини пеш қилиб одамларнинг диққатини тортарди. Йўловчилар йўлида қоврулиб, келажаги бешафқатларча юлқиб олинган бола эса қулоғи тагидаги оёқ товушларини алла ўрнида кўриб, ким билсин, қандай тушлар кўрарди?

Шундай доруломон замонда қандай инсон тиланчилик қилиши мумкин? Албатта, ишламай нон топишни ихтиёр этган, тиланишни касбга айлантирганларгина шу йўлни танлайди. Уларнинг хатти ҳаракатига қараб қатор саволлар туғилади: "Гўдак боласи бор. Демак турмуш ўртоғи ҳам бор? Турмуш ўртоғи борми? Демак, уй-жойи тайин. Уй-жойи бўлгач, маҳалласи, қўни-қўшнилари ҳам бўлиши аниқ".

Хўш уларни аниқлаб, тўғри йўлга солиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун ҳар-биримиз эътиборли, бўлишимиз, ҳа, деганда қўлига пул тутмай, танбеҳ беришимиз зарур. Сиз нима дейсиз?

Латофат ИБРАГИМОВА,
талаба

ТАДҚИҚОТ

Навоий Астрободга сургун қилинганми?

«Равзат ус-сафо»да келтирилган маълумотга кўра, Султон Ҳусайн ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486-1487) Амир Алишерни дор ул-фатҳ Астробод ҳокими этиб тайинлашга қарор қилган. Хондамир кўрсатишича, «Ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486 декабрь-1487 январь) хоқон Марвда қишлаб турганида Астробод ҳокими Амир Мўғулни ўз даргоҳига чақириб олди ва унинг мунаввар кўнглига Амир Алишерни дор ул-фатҳ Астробод ҳукумати билан сарфароз этиш қарори келди. Ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) фикри софкўнгил амирга яширин эди».

Журжон вилояти ҳокимлиги улуғ лавозим бўлишига қарамай, Алишер Навоий Астрободга кетаётганидан норози бўлгани манбаларда кўрсатиб ўтилган: «Собиттадбир амир тангри таолонинг ризолиги йўлида ҳозирлиги, хоқони мансур муҳим ишларини кифояти сарвига хушбўй хотирининг майли камолот даражасида бўлганлиги учун бу амрни қабул қилиш хусусида бирор нима демади. Кўп муболағадан сўнг, ризо бошини тебратиб, таважжуҳ юзини ул тарафга ўгириб, олампаноҳ даргоҳ мулозимларидан амир Бобо Али ва амир Бадриддинни ҳамроҳ қилиб Астрободга жўнади», деб ёзади Хондамир.

Ушбу тарихий манбаларга кўра, Навоийнинг учинчи марта расмий равишда давлат ишларига қайтганини кўриш мумкин.

Астробод Хуросоннинг ўта муҳим аҳамиятга эга минтақаси бўлиб, қалтис шароитда уни идора этиш ҳокимдан воқеалар жараёнини ўта эҳтиёткорлик билан кузатиш, оқилона бошқаришни талаб этиши, табиий. Бунинг устига, у барча мол-мулкини вақф этиб, 1481 йилдан бери ижодга берилган, қолган умрини ижод ва ибодат билан ўтказишга қарор қилган эди. Лекин у элулуснинг тинчлиги, осойишталиги йўлида бу масъулиятли вазифани ўз зиммасига олади ва Астрободга жўнаб кетади.

Манбаларда унинг Астрободдаги фаолияти ҳақида маълумотлар жуда кам. Навоийнинг қўшни давлатлар ҳукмдорлари билан алоқаларини бирмунча ёритувчи ёзишмалар, жумладан, унинг Шервоншоҳ Фаррух Ясорга ёзган мактуби, Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб Мирзо ва унинг бош вазири Шайх Нажм билан ўрнатган яқин алоқаларидан дарак берувчи баъзи мактуб ва маълумотлар бор. Навоийшунос олимларимизнинг тадқиқотларида Мир Алишернинг Астрободдаги кайфияти етарли ёритилган.

Алишер Навоий Астрободда бир йил тургач, қайтишга изн сўрайди. «Равзат ус-сафо»да шундай келтирилади: «...Амир Алишер бир йил муддат Журжон вилоятида мулку мол забти билан машғул бўлгандан сўнг хоқони мансур билан мулозамат шавқи кўнглидан кечди ва ижозат олингач, амир Бадриддинни ўз ўрнида қолдириб, дор ус-салтана Ҳиротга қараб йўналди...ва ўша вилоят ҳокимлигини бирортага берилишини илтимос қилди. Лекин хоқони мансур унинг бу илтимосини ризо қулоғи билан тингламади ва бир неча кун ўтиб яна Астрободга қайтишига рухсат берди».

Султон Ҳусайн Бойқаро унинг илтимосини ризо қулоғи билан тингламаганининг сабаби, бизнингча, бу пайтга келиб, Ҳусайн Бойқаро олдиндан кўра билган воқеалар рўй бера бошлаган эди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, 1488 йилнинг бошларида Шайх Ҳайдар ялпи ҳужумга ўтиш вақти етган ҳисоблаб, Шервон шоҳлигини босиб олиш пайига тушади: Бутун лашкарини Ганжа ва Барда оралиғида тўплайди. Сўнг Фаррух Ясорга одам юбориб, ҳар галгидек, черкасларни талаб келиш учун бораётганлигини ва Дарбанд йўлини ислом лашкарига очиб қўйишни сўрайди. Фаррух Ясор элчини кутиб олиб, иззат-икром билан кузатгач, Дарбанд йўлини очишга фармон беради. Шунда Ҳайдар ўз аскарларининг саллаларини ўн икки имом шаънига ўн икки йўлли қизил рангга бўятади ва Дарбанд йўлидан осонликча ўтиб олгач, Шервонга қарши уруш эълон қилади. Ғафлатда қолган Фаррух Ясор беҳуда қон тўкилишидан қочиб, оила-уруғи билан Гулистон қалъасига бекиниб олади. Шайх бошлиқ минглаб «қизилбошлар» етти ойгача қалъани қамал қилиб ётадилар. Ниҳоят Ҳайдарнинг инсофга келишидан умидини узиб, тоқати тоқ бўлган Султон Яъқуб қаҳр билан Шервонга отланади ва 893 йилнинг жумод ус-соний ойининг охирларида (1488, июнь) Ардабилга етиб келади. Бу хабарни эшитган Шайх қалъани қўйиб, Дарбандга чекинади. Султон унинг изидан қувиб келади ва ражаб ойининг охирида (июль) улар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Пировардида, Ҳайдар жанг майдонида ҳалок бўлади ва қизилбошлар қўшини тарқатиб юборилади.

Демак, Навоийнинг Астрободда бўлиб туриши сиёсий вазиятнинг мураккаблигига кўра зарур бўлган.

Навоий шундай кескин шарт-шароитларда ҳам ҳукумат ишларидан озод этишни султондан сўраб турган. Амир Алишернинг ёнида дастёр бўлган жияни Ҳайдар унинг топшириғи билан Астрободдан Ҳиротга келади. Хондамир ёзади: «Мир Ҳайдар савдойиликдан анча бахраманд одам эди. Ана шу савдойиликка шароб кайфи қўшилиб кетган бир вақтда бундай деди: «Султон ҳазратларининг яқин дўсти (яъни Амир Алишер) халофатойинлик остонанинг (яъни султоннинг) мулозимлари Кокулий баковулга Амир Алишернинг овқатига заҳар қўшиб беришни тайинлаганликларидан хабар топиб қолди».

"Заҳар" воқеасининг ҳақиқатда бўлган ёки бўлмагани номаълум. Бошқа манбаларда бу масала ёритилмаган. Аммо мазкур воқеа Ҳиротга сабрсизлик билан ошиқиб турган Навоий учун султон билан мазкур истеъфо борасида яна бир карра гаплашиб олиш имкониятини берди. Чегара олди хавфи бартараф бўлгани сабабли анча хотиржам тортган Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга Астрободни топшириб, Ҳиротга қайтишга рухсат беради. Мир Ҳайдар бу ишни ўз тоғасига куюнчаклигидан қилганми ёки фаросатсизлик туфайлими, унинг қандай баҳоланишидан қатъи назар, ҳар ҳолда, Навоийнинг Астробод ҳокимлигидан қутулиб, Ҳиротга қайтишига ёрдам берган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий Астрободда бир ярим йилча яшаган. Мана шунинг ўзи ҳам қайсидир маънода биз илгари сурган мулоҳазаларни тасдиқлайди.

Амир Алишер Астрободдан қайтгач, амирлик ва давлат ишларини тарк этади. Унинг илтимосига султон ҳам қаршилик қилмайди. Хондамир бу даврда Навоий ўз масканида тинч ҳаёт кечиргани ва султон уни эъзозлаб мактублар ёзганда унинг барча унвонларини келтиришини алоҳида қайд этиб ўтган: «Астрободдан қайтгач, соҳибтадбир амир (Алишер) фориғболлик билан ўрганган ватани ва эски масканида кун кечирди. Амирлик ва ҳокимликни тарк этиш воситаси билан кун сари олий даражаси тоза, таъзиму такрими бандоза бўлиб, аҳвол шу ерга бориб етдики, хоқони мансур унга йўллаган мактубларида ул жанобнинг (Алишернинг) лақабларини бундай деб ёзар эдилар: «Жаноб ҳидоятмаоб, маоли оёт, зубдай арбоби дину давлат, қуввати асҳоби мулку миллат, муассис алхайрот, муваффақ ул-мубаррот, рукн ас-салтана, эътизод ул-мулк, эътимод ад-давлати хоқоний, муқарраби султоний, низом ул-ҳақиқат, вад-дин амир Алишер», яъни ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоҳларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон хазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер...»

1492 йилда Султоннинг Навоий билан муносабати олий даражада бўлганлиги Маждиддин Муҳаммаднинг Навоий шарафига зиёфат ўтказиш ҳақида Абулвосеъ билан қилган маслаҳати баёнида ҳам ишора этилган.

Алишер Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб юборилиши сабаблари ҳақида навоийшуносликда турли қарашлар мавжуд. Алломанинг Астрободга жўнатилишига ҳозирги навоийшунослигимиз *сургун* сифатида қарайди. Бундай қараш, аввало, шарқшунос В.В.Бартольд томонидан илгари сурилган эди. Ўша даврнинг ўзидаёқ баъзи шарқшунослар бундай нотўғри қарашга кескин қарши чиққан бўлиб, бу ҳақда кейинроқ Бартольд асарларини қайта нашрга тайёрлаган олим Ю.Брегель шундай ёзади: «Охирги пайтларда В.В.Бартольднинг «1487-1497 йиллар Мир Алишер учун муруввatсиз ва обрўсизланиш йиллари бўлди ва бу, аввало, унинг Астрободга сургун қилинишида кўзга ташланди», деган фикрларини ўз ичига олган концепцияси жиддий қаршиликларга учради.

А.А.Семенов манбаларида Алишернинг Ҳиротдан узоқлашиши Маждиддиннинг бош вазирликка тайинланиши шарти эвазига рўй берганлиги хусусида бирорта ҳам гувоҳ кўрсатмаганликларини қайд этиб, Астробод Султон Ҳусайннинг энг бой ва муҳим вилояти эканлигини, унда, асосан, шаҳзодалар ёки султоннинг ўта ишончли кишилари ҳокимлик қилиб келганликлари, Алишернинг Астрободга ҳоким этиб тайинланишини «узоқ вилоятга» «фахрий сургун» сифатида тушуниш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Шарқшунос Г.Р.Ремернинг кўрсатишича, Мир Алишернинг Астрободга юборилишини Султон Ҳусайннинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан муносабатлари чигаллашгани билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, маълумки, Семенов ва Ремернинг ҳақиқатга яқин фикрлари навоийшунослар томонидан инобатга олинмади.

Ҳозирга қадар бу масала узил-кесил ҳал қилинмаган ва ўз ечимини кутиб турибди. Тўғри, Е.Э.Бертельс «Навоий» монографиясида ушбу масаланинг ёритилишида Семеновнинг сўзларини эслайди. Лекин у ҳам Бартольднинг фикрлаш қолипи ва умумсовет адабиёти ва илмига хос бўлган «ғоявий кураш» принципларидан четга чиқа олмайди: «Навоий ўзининг «Хамса»си устида ишлаётган пайтда унинг душманлари вақтни бекорга ўтказмадилар. Улар ҳар куни Султон Ҳусайнга давлат ишлари хароб бўлганлиги ва уни йўлга қўйиш фақатгина Маждиддин Муҳаммаднинг қўлидан келиши хусусида ишора қилишар эди. Сарой аъёнларининг қистови қатъий бўлиб, шаробга ружуъ қўйган султоннинг иродаси кундан-кунга заифлашиб борарди. Шундай бўлган бўлиши ҳам мумкинки, Навоийнинг султон эътиборини давлат ишларига қаратиш учун қилган ҳаракатлари ва унинг сарой аъёнларига танқидий назар билан қараши султонга ёқмаган. Султонда вақти-вақти билан бундай маслаҳатчини кўздан йироқлаштиришга мойиллик бўлган. Султон учун Навоий виждон овози эди ва гоҳида у бу овозни ўчиришни хоҳлар эди».

Шу пайтгача Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига Бертельсча муносабатда бўлиб келган олимларимизнинг тадқиқотларида келтирилган қарашларга келсак, уларнинг тарихий воқеликдан четга чиқиб кетишларига бирбирларига суяниб фикр юритишлари сабаб бўлган. Илк навоийшуносларнинг совет тузуми мафкурасидан келиб чиқиб, Навоий «ҳақиқатни айтишдан қўрқмаган шоир» бўлгани учун султон «унинг заҳарли сўзларидан қутулиш учун бадарға қилди» тарзидаги талқинлари бугун қайта кўриб чиқилиши керак. Афсуски, яқинда нашр этилган баъзи тадқиқотларда ҳали ҳам эскича фикрлаш яққол сезилиб туради. Алишер Навоий Султонга тобе киши сифатида ҳеч қачон ҳақиқатни баралла айта олмаган, балки мавриди билан тушунтиришга уринган (Восифийнинг Бадоеъ ул-вақоеъ асаридаги Навоий ва етим бебошлар воқеасини эсланг). Навоий султонга заҳарли сўз ёки дакки бериш у ёкда турсин, подшоҳнинг қатъий қарорига қарши кескин гапиришга журъат эта олмаган. Бундай муносабат фақат унга ва ўша даврга хос бўлмай, балки ҳукмдорлар ҳамда тобеинлар ўртасидаги муносабатлар мезонини белгилайдиган қоидадир.

Темур тузукларида султон ўзининг айтган сўзидан қайтмаслиги ҳақида қатъий талаб қўйилиб, Маҳмуд Ғазнавийдан мисол келтирилгани бежиз эмас, албатта. Қолаверса, Алишер Навоий баъзи тадқиқотларда айтилганидек, Астрободга оғзаки буйруқ билан эмас, балки махсус Фармон асосида юборилган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Ҳусайн Бойқаронинг Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб Мирзога юборган мактуб-ёрлиғи нусхалари сақланади. Шулардан бири таниқли олим А.Ўринбоев томонидан эълон қилинган. Унда Навоий Астрободга Ҳусайн Бойқаронинг Фармони асосида ҳоким этиб юборилаётгани ва шу билан боғлиқ масалалар борасида сўз юритилади.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

«Akademnashr» нашриёти, 2011 йил

КИТОБХОНЛИК

«Муҳаббат бор гул титроғида»

Шеър — некбин туйғулар тажаллиси. Қалб кечинмалари шеърга кўчганида шеъриятга ошуфта кўнгилнинг ҳислари янада оҳорланади, ороланади, зангу ғубори шу шеър билан билан бирга кетади. Биргина нигоҳ, бир лаҳзалик ўтли таассурот ва бир неча рангдаги тасаввурлар бир илоҳий, кўзга кўринмас нуқтада туташади ва шеърга айланади. Бу ҳол шоирнинг не бир асрорларини ўзигада сездирмай ўқувчига инъом этади, шеър муаллифини эса шод қилади.



Истеъдодли шоир Илҳом Ҳамронинг навбатдаги шеърий тўплами ҳам номиданоқ шу азиз туйғулар билан ҳамоҳанг — "Муҳаббат бор гул титроғида". Бу шоирнинг "Висол лолалари", "Сизни топдим", "Юрагимдир йиғлаган", "Юлдузларни уйғотар соғинч" сингари шеърий китоблари қаторида назм ихлосмандларига қилган навбатдаги туҳфасидир.

Мени ўз ҳолимга қўй энди, шамол,
Сочиб ташламагин умрим борини.
Қисматнинг қўлига топшириб қўйдим,
Йўл йўқотган кўнгил ихтиёрини.

Ҳисларин ўйнама, эй бебош шамол,
Олдинда бир ишқ бор нурдан ҳам тоза.
Шундай севайинки, гулханлар куйлаб,
Менинг борлигимни қилсин овоза...
Бу каби сатрлар китобда талай.

Ижод кишисининг кўнглидан ўтадиган ҳар бир воқелик ҳам шеърга айлана олмайди, айни пайтда шеърий образдаги лирик қаҳрамон ўз қисматини ўзи яратиб кетади. Яъни шеърнинг қандай бошланиб қайси сўз билан тугаши шоирга номаълум бўлганидек, асарнинг поэтик даражасини шоир ҳал қилмайди. Содда, тоза туйғуларнинг беғубор таснифини ўзича бера олиш чин илҳом кишисига тандир. Илҳом Ҳамронинг қуйидаги сатрларида ҳам худди шундай самимият бор:

Кун келиб тупроқни тушунмоқ мумкин,
Тушунмоқлик мумкин майсаларни ҳам.
Шабнамлар тўкилиб заминга сингар,
Янгириб кетади жумлаи олам.
Дарахтлар насмидан бинодир дунё,
Илдизлар тубида илдизлар ҳаёт.
Баҳор кўкрагимнинг дардлари аро,
Кўкариб-кўкариб гуллаган баёт.

Бу шеърий парчадаги "Илдизлар тубида илдизлар ҳаёт" мисрасига назар солсак, гўзал сўз ўйинига, ҳаётий барқарор руҳнинг умиддан, тирикликдан қувват олиб шеърга дўнишига гувоҳ бўламиз. Шундай мисралар оҳангида шеър битаётган қалам соҳибига бундан-да баракали ижод тилагимиз келади.

Ш. ЖУМАЕВ

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Зубайда тўтам тутумлари

Қишлоғимизда бувимизни тўта, деб атардик. Аввалларида буни тушунмасдик. Вақт ўтган сари тўтам кўзимга тўтиёдай бўлиб кўринаяпти. Балки бу «тўтиё» сўзининг мазмундошидир.

Зубайда тўтам — дадамнинг оналари. У кишининг қайси бир жиҳатлари Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идаги Ўзбекойимга ҳам ўхшаб кетарди. Чунончи, «менинг ковушим кўчада қолмаган» қабилида дуч келган эшикка бош суқавермасдилар. Ўта нозик таъб, унча-мунчанинг муруввати-ни қабул қилавермас, ҳар қандай таомни тановул қилиб кетавермасдилар. Ҳолбуки, тўтамнинг ўзи ҳам жуда пазанда, пиширган овқатлари пок-покиза эди. Шу боис, келинлари ҳам таом тайёрлашга ўта ҳушёрлик билан ёндашишган.

Тўтам бир қоп ёнғоқ мисоли «шалдур-шулдур», лекин юракларида гард йўқ, бағрикенг, киришимли, шаддод, аммо меҳрибон аёл сифатида ёдимизда қолган. У болаларга эртак, достон, қўшиқ айтиб беришни яхши кўрарди. «Уч оғайни ботирлар», «Илон малика», «Ёрилтош» каби эртаклар, «Гўрўғли», «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра» достонларию яна қанчадан-қанча халқ қўшиқларини биларди. Айниқса, аллаларни маромига етказиб хиргойи қиларди. Билмаган жойларини ўзидан қўшиб кетаверарди:

Жон болам, жоним болам,
алла-ё, алла,
Кулгингдан яшар олам,
алла-ё, алла.
Қўлимда кўзмунчоғим
алла-ё, алла,
Уйимдаги чироғим
алла-ё, алла...

Қўшиқ ана шу тариқа ички туғён билан давом этиб, тўқилиб кетаверарди. У кексайганига қарамай невара келинларига алла айтишни, бола боқишни ўргатишдан ўзини тиймасди.

Биз — неваралари ўтмишда бўлиб ўтган турли воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб беришини сўрардик. Бу борада у жуда камгап эди. Лекин, отаси — Ражаб оқсоқолнинг хусусий мулкини шўролар тортиб олиб қўйганлигини эшитганмиз. Аммо, ҳасрат халтаси очилиб қолса, бир пайтлар даладан бошоқ териб кун кечиришгани, қаҳатчилик йиллари одамларнинг кунжара еб шишиб ўлганига оид мудҳиш воқеаларни айтиб берарди. Бунга, албатта, қанақадир сабаб бўларди. Кўпинча тўтам ҳозирги тинчлик ва осойишталикни қадрлашимиз кераклиги ҳақида гап кетганда, шукрона айтиш баробарида, ушбу тафсилотлардан мисол келтирарди.

Юқорида таъкидлаганимдек, тўтам ниҳоятда пазанда эди. Биз шаҳарда яшардик. Кўпинча баҳор пайти қишлоққа ошиқардик. Боргунимизча биз яхши кўрган бичак, сомса, хамири қаймоққа қориб пиширилган патирлар тандирдан чиқиб дастурхонда ўралган турарди. Мен эса тенгқурларимга қўшилиб даладан исмалоқ, жаг-жаг, қоқиўт, қўзиқорин терардим. Ана шу кезларда тўтам кўклам неъматларидан таомлар пишириб олдимизга қўярди. Теварак-атрофда яшовчи қўни-қўшни, узоқ-яқин қариндошлар тўтам тайёрлаган ғилвинди ва юпқа таъмидан бахраманд бўлиш учун келишарди. Умуман олганда, у киши тайёрлаган таомлар жуда-жуда мазали бўларди, шунинг учун ҳануз ширин таассуротлар билан эслаймиз. Келинлари эса тўтамнинг йўл-йўриқларию панд-насиҳатларини соғинишган. «Рўзғоримдан қутбарака, осойишталик аримасин, эримнинг мендан кўнгли совимасин десангиз, тилингиз билан қўлингизни ширин қилинг. Овқатни ҳафсала билан, гарддай меҳр аралаштириб қилсангиз, муродингизга етасиз, болам!» дердилар. Тўтамнинг бу айтган гаплари келинлари учун қанчалик наф берганини, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Балки бағрикенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар авлоддан авлодга шу тарзда ўтар. Нима бўлганида ҳам эзгуликнинг илдизлари мустаҳкам, теран ва абадийдир.

Илҳом КАРОМОВ

«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК» ТАНЛОВИГА

Дарахтлар қўшиғи

Қарши шаҳри. "Худойзод" маҳалласидаги мўъжазгина уй.

Ҳовли этагидаги устахона атрофида катта-кичик ғўлалар, дарахт шох-шаббалари, турфа шаклдаги буралиб-чийралиб кетган илдизлар ғарами. Саксонни қоралаб бораётган ҳайкалтарош-устанинг қўлида теша, бир ғўланинг у ёғини, бу ёғини айлантириб чуқур ўйга толган. Танлаган ёғоч бўлагига меҳр билан тикилиб, жилмайганича машғулотига берилганига қараганда нимадир ясамоқчи чоғи. Балки ёғоч-ғўла билан сўзлашаётгандир...



Шу дамда дурадгор уста ва Пиноккио деган ёғоч болакай ҳақидаги қизиқарли эртак ёдимга тушди. Алексей Толстой ана шу эртак асосида болалар учун "Буратино" қиссасини ёзган. Ёғоч қўғирчоқ италян тилида "Буратино" дейилар экан. Оқсоқол Умар Ҳайдаровнинг шу туриши ўша машҳур қиссадаги Карло отага, унинг қўлидаги ғўла эса Буратинога ўхшаб кетди.

Йўқ, бу одам аслида дурадгор эмас, ҳайкалтарош. Унинг ижод маҳсули қўғирчоқлар эмас, ёғочдан ясалган ҳайкалтарошлик асарлари.

— Ассалому алайкум, Умар ака! — деб салом берганимиз уни севимли машғулотидан чалғитди.

— Ие, ие... келинглар, — у коржомасининг этагига қўлларининг чангини артиб, бизга пешвоз чиқди. — Иш билан бўлиб кирганларингни ҳам пайқамабман-а...

Ҳамроҳларим — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё бўлими масъул котиби Исмоил Тўхтамишов ва Бадиий Академиянинг вилоят бўлими раҳбари Азамат Сатторов мени оқсоқол билан таништиришди.

Омборхонага ўхшаган устахона тўридаги узун стол устида ёғочдан ясалган ҳайкаллар диққатни тезда ўзига жалб этди. "Шахмат ўйновчилар", "Гимнастикачи қиз", "Баскетболчи бола", "Турна", "Кенгуру", "Балиқ", "Жирафа", "Аждарҳо", "Калтакесак"...

Бошқа столда чала ишланган, ишланаётган ҳайкаллар, дурадгорлик асбоб-ускуналари, лок, қумқоғоз, елим...

Нарироқда чилликоёқ турна қанотларини кенг ёйиб гўёки рангли тошлар ялтираб турган дарё соҳилига эндигина келиб қўнгандек. Ҳайкалтарош қушнинг қанотлари, думи ва патларига шундай ишлов берганки, уларни майин ва юмшоқ патлардек кўрасиз, сезасиз ва ҳис этасиз. Ифода, ҳаракат, шакл шу қадар табиийки, гўё турна ҳуркиб тургандек, яқинлашсангиз яна учиб кетадигандек. Маълум бир образнинг ўтган замондаги, ҳозирги замондаги ва келаси замондаги ҳаракатини тасвирлай билиш ҳайкалтарош маҳоратини намоён этади.

Ҳайкалтарошликда жисмнинг фазодаги ўрни, нур ва соялар, ҳаракат-ҳолатларга, унинг табиий ва анатомик хусусиятларига катта эътибор қаратилади. Образнинг ҳар томонлама табиий кўринишидан ташқари маълум бир монумент ёки ҳайкалда ижодкорнинг дунёқараши, ҳис-туйғуси, эҳтироси, сезгилари, фалсафаси, энг муҳими, замон ва макон руҳи ифодаланиши зарур.

Бу машғулотнинг энг гўзал намуналари ҳақида қадимги юнон афсонасида шундай ҳикоя қилинади: "Кипрда Пигмалион исмли подшоҳ яшаган экан. У ўзини кўз-кўз қилувчи беҳаё аёллардан қочиб, узлатда, ёлғиз кун кечирарди. Шу алфозда филнинг дондон тиш суягидан ниҳоятда гўзал аёлнинг қиёфасини ясайди. Ҳайкалда ифодаланган аёлнинг сиймоси шу қадар чиройли эдики, унинг ҳусни-жамоли Пигмалионни ўзига мафтун этиб қўяди. Ишқ дардига мубтало бўлган подшоҳ ҳайкални тирилтириб беришни сўраб ишқ-муҳаббат илоҳаси Афродитага илтижо қилади. Йигитнинг бундай эҳтиросли муҳаббатидан таъсирланган Афродита ҳайкалга ҳаёт бағишлайди. Галатея деб аталган бу аёл Пигмалионга турмушга чиқади. Йиллар ўтиб Галатея бир қиз туғади. Қизга Пафос деб исм қўядилар... "

Ҳайкалтарошнинг иши, илҳоми ва ўз асарига муносабати ҳақида нақадар ҳикматли қисса!

Умар Ҳайдаровнинг яна бир асари "Бадиий гимнастикачи қиз" деб аталади. У дарахт илдизидан ясалган. Асар гўзаллиги, нафосати ва енгил ҳаракати билан одамга завқ бағишлайди. Унда Умар аканинг ўзи яратган образга нисбатан меҳру муҳаббати ҳам ифодаланган. Дарахт ёки хомашё сифатида танланган материал ижодкор-ҳайкалтарош руҳига мос тушса ундан томошабинга эстетик завқ бағишлайдиган асарлар яралади, унинг маънавий оламини бойитади.

Бадиий гимнастикачи қизнинг қадду қомати нозик, оёқ-қўллари узун, бели ингичка. У чап оёғи бармоғининг учида туриб, ўнг оёғини олдинга узатиб енгил ҳаракат билан рақс тушаётгандай гўё. Қўллар оёқларга мос равишда ҳаракатда — ўнг қўл олдинга, чап қўл эса орқага узатилган. Бармоқ учида турган оёқнинг ўкчаси, товони, тиззалари, қўлнинг елка суяги, қўл орқага тўғри узатилган ҳолатда қопқоқнинг бўртиб чиққани ҳам ниҳоятда аниқ ифодасини топган. Ҳайкалтарош топган деталлар, ишоралар қизнинг сочлари, юзу ёноқлари, нозиккина ияги ҳақида ҳам ёрқин тасаввур беради. Гўё ёқимли мусиқа садоларини тинглаётгандай бўласиз. Унинг оҳанги остида бадиий гимнастикачи қизнинг дилрабо рақсини томоша қилаётганингизни сезмай қоласиз.

"Баскетболчи йигит" асари ҳам ана шундай завқли. Ҳар бирида ўзига хос мазмун, фалсафа, туйғу, ҳаракат ва ҳолат бор.

Буларнинг барчаси дарахт ва ёғоч парчаларидан ишланганига ажабланасан киши.

— Қадимда ҳам одамлар ёғочдан кенг фойдаланган, — дейди Умар бобо. — Темирга, тошга қараганда ёғочга ишлов бериш осон. Қолаверса, ёғочнинг ранги, табиий таркиби инсон руҳиятига яқин. Ёғочдан уйлар, кемалар, қайиқлар, кўприклар, нарвонлар, зиналар, тўсинлар, шамол тегирмонлари парраклари қурилган. Меҳнат қуроллари, хўжалик учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда ёғоч асосий хомашё ҳисобланган. Арава, ғилдирак, эгар, омоч, ўрмак, урчуқ, савағич, ўтовларнинг керагалари дарахтдан ишланган. Белкурак, қошиқ, чўмич, идиш-товоқ, пақир, суюқлик сақланадиган идишлар, ийиноғоч ҳам, қўғирчоқлар, ҳайвонлар шаклидаги ўйинчоқлар, ҳайкаллар, ёдгорликлар ҳам ёғочдан ясалган...

— Сизнинг ғўладан ҳайкал ясамоқчи бўлганингизни кўриб "Буратино"ни эсладим...

— Ёғочдан қўғирчоқлар ясаш ва уларни ўйнатиб қўшиқлар куйлаш халқимизнинг энг қадимий анъаналаридан бири бўлган.

Халқ сайилларида, тўю томошаларда дорбоз, масхарабоз билан бир вақтда қўғирчоқлар томошаси ҳам намойиш этилган. Узун ёғоч оёқлар кийиб ижро этилган рақслар, от ўйинлари томошабинларга завқ бағишлаган. Қўғирчоқларнинг номлари ҳам бўлган. Масалан, Качалполвон. Жуссаси кичкина, бироқ шўх, жасур ва қўрқмас ёғоч қўғирчоқ — Качалполвон тилидан халқнинг арзу додлари, орзу-умидлари изҳор этилган.

"Пиноккио", "Буратино" деб аталган қўғирчоқлар ҳам Качалполвоннинг "ука"си ёки "ака"си. Бу қўғирчоқларни ўйнатиш бошқа санъат. Бироқ уларни ясаш, "гапирадиган", "қуйлайдиган", "рақсга тушадиган" даражада жонли қилиб ишлаш устанинг иши. Мана шу иш ҳайкалтарошлик санъатига турдош санъат. Балки, ёғочдан ҳайкаллар ясаш санъатининг илдизи ана шу қўғирчоқларга бориб тақалар.

"Дарахтларнинг юраги бор", — дейди "Пиноккио" эртагининг бош қаҳрамонларидан бири уста-дурадгор. Бу эртаклар одамларнинг дарахтга, ёғоч қўғирчоқларга бўлган меҳрини, табиатга муҳаббатини ифодалайди. Дунёда шундай дарахтлар борки, улар куйлайди, гапиради. Буни қалби нозик, ҳис-туйғулари кучли дурадгорлар, уста ҳайкалтарошларгина илғайдилар, дейишади. Зотан, ажойиб мусиқалар ижро этиладиган чолғу асбоблари ҳам дарахтдан ясалади-ку. Танбур, рубоб, қўбиз, дўмбира, скрипка ва бошқа мусиқа асбоблари торнинг чертилиши туфайли ёғочга урилган овоз зарбларидан акс-садо чиқариб куйлаб юборади.

Одамни чақалоқлигидан бағрига олиб тебратиб улғайтирган бешик ҳам дарахтдан ясалган. Бу бежиз эмас. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг тўнғич болалари олма дарахти тагида туғилганлар.

Қушлар чиқиб кетишди
тоққа,
Баҳорларнинг жамоли узоқ.
Судрар мени ҳайҳотдай
боққа,
Ҳеч вақоси қолмаган
кузак.

Беихтиёр болалик хотиралари жонланади... Мактабдан қайтаётганимизда саф тортиб йўлнинг икки четидаги қатор тутларга осилиб мазза қилиб марвариддай оппоқ, донадона шакардай ширин тут мевларини териб ердик. Бир тутнинг танаси аёл қоматини эслатарди. Унинг мевалари бошқаларига қараганда катта-катта, жуда ширин бўлар, баргларини юлсак, бандидан сут оқарди...

Умар Ҳайдаровнинг "Она дарахт" асарида табиат уйғунлиги тараннум этилади: Кекса тут. Танаси бужмайиб, буралиб-буралиб кетган. Бағрида қанча жароҳат — қанча кўз, қанча ковак. Новдалари каллакланган, танаси қуриган, яшил бутоқлар уни тарк этган. Бироқ бу муҳташам қуруқ оғочни ҳаёт, тириклик ҳали тарк этган эмас. Унинг тепасига бир жуфт лайлак уя қурган. У бахт, тинчлик ва фаровонлик рамзи. Бироқ она дарахт тагида ўтирган одам ўзини, ўзлигини англамаса, бу Ватанни қушлар ҳам тарк этиши мумкин. Шу боис, ёнида катта ойболтаси бор, икки қўли билан бошини чангаллаб қолган. Ахир, у эмасми, дарахтнинг шохларини чопган, арралаган. Мана, энди дарахт қуриб қолганида у "Воҳ, нималар қилиб қўйдим" дея афсус-надомат чекаётгандай. Дарахт тепасида — инида ёнма-ён турган бир жуфт лайлак эса, одамга умид билан боқаётгандек, "она дарахтни чопма, эй одам" деяётгандек. Агар одам она Ватаннинг муқаддаслигини англаб, қўлидаги болтасини ташласа, дарахтни ҳаёт нишонаси тарк этмайди. Кекса дарахт яна гуллаб-яшнайди, лайлаклар полапон очиб, юрт фаровон бўлади. Ҳайкалтарошнинг "Она дарахт" асаридан ана шу фалсафани англадим.

Хазин-хазин хазон фаслида
Сайри боғдан кўнглим бузилар.
Ҳар қадамда оёқ остида
Дарахтларнинг барги эзилар.

Оёқ қўйиш нақадар қийин
Дарахтларнинг рангпар юзига.
Қандоқ қилиб қарайман кейин
Томирдошларимнинг кўзига...

— Дарахтни ҳис этишни, ундан шакллар чиқаришни, ёғочдан гўзал қиёфалар яратишни кимдан ўрганганисиз? — деб сўрадим Умар акадан.

— Болалигимдан турли ўйинчоқлар ясашга қизиқардим. Бу қизиқиш кейинчалик бадиий ижод қилишимга илҳом бағишлади. Японияликлар Энку деган ҳайкалтарош бўлган. У ёғочдан бетакрор ҳайкаллар яратган. 1628 йилда Японияннинг Мино вилоятига қарашли Такэгахана қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Ўша қишлоқда дала юмушларидан бўшаган пайтда деҳқонлар дурадгорлик қилган, уй қурган, керакли уй жиҳозларини ясаган, болалар учун ёғоч уйинчоқлар қилиб беришган. Японлар уларни "хандайку" — "ярим дурадгорлар" деб аташган. Энку ана шу муҳитда туғилиб ўсган, ўша хандайкулардан ажойиб ўйинчоқлар ясашни, дарахтни севишни ўрганган. Мен қадимий Шарқнинг мана шу буюк истеъдодига ҳавас қилдим. Ундан дарахтга муҳаббатни ўргандим. Унинг ёғочни ишлашдаги услубий янгиликларидан ҳамон илҳомланаман. Санъатшуносларнинг таъкидлашича, Энку яратган ҳайкалларда унинг шакл ва материални ҳис этиш туйғуси жуда кучли бўлган. Образ пластикаси, қирралари, ранглари ифодавийлиги унинг асарларида беқиёс даражага кўтарилган. Улар инсон сезгиси, онгу шуури ва ҳис-туйғуларини жунбушга солган. Энку яратган сиймолар бизга ҳайкалтарошнинг материалга, унинг табиий таркибига беркиниб олган ифодага нисбатан эҳтиросли муҳаббати ҳақида сўзлайди. Ҳайкал ясаш учун танлаб олган дарахтларни у шундай чопиб ишлаганки, гўё ҳайкалтарош ёғоч ботинига қамалиб олган образнинг жони, руҳи ва вужудини озодликка чиқариб юборган.

Энку ёғоч ҳайкаллар яратиш технологиясида "натабацури" деб номланган услуб яратган. Бу сўз "болта билан чопиш" деган маънони англатади. Ҳайкалтарошнинг ҳар болта чопганидан қолган из гўё мусаввирнинг мўйқаламидан чапланган бўёқдек ранг ва мазмун ифода этаверган.

Лавҳамиз қаҳрамони Умар аканинг рельеф услубида ишланган "Амир Темур" асари Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида, Абдулла Орипов портрети эса Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят театри айвонида санъат ихлосмандларига завқ бағишлаб турибди.

— Мустақиллик биз, ижодкорларга ҳам ўзига хос эркинлик ҳуқуқини берди, — дейди Умар ака. — Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан мен ҳам ушбу буюк ва мўътабар зотнинг портретини яратдим. Истиқлол туфайли кўнглимдаги орзуимни амалга оширдим.

Ҳозир бир неча асар устида ишлаяпман. Шогирдлар тайёрлаяпман. Уларга ёғочга ишлов бериш сирларини ўргатаяпман.

Рустам МУСУРМОН



Ҳар қандай воқеликнинг бошланиши бўлгани каби хотимаси ҳам бор. Худди шунингдек, дунёдаги миллионлаб футбол ишқибозларини салкам бир ой давомида ҳаяжонда ушлаб турган, кези келганда, шод этган ё йиғлатган Европа чемпионати ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Кутилган-кутилмаган натижалар, рекорд кўрсаткичлар қайд этилди, янги футбол юлдузлари кашф қилинди. Ва, энг муҳими, мухлислар салкам бир ой мобайнида «миллионлар ўйини» жозибасидан баҳра олишди.

ГЎЗАЛ ФУТБОЛ



Чемпионатнинг финал учрашуви. Италия — Испания. Ўйинга қадар кўпчилик мухлису мутахассислар Чезаре Пранделли жамоасининг имкониятини юқори баҳолаган бўлса, ажабмас. Чунки унинг шогирдлари ярим финалда кимсан мусобақа ғолиблигига даъвогар терма жамоа — Германияни ўзининг чиройли ўйини билан мағлуб этганди. Аммо башоратлар ўзини оқламади. Бунга «қизил фурия» аталмиш Испания миллий терма жамоаси йўл қўймади. Бошқача қилиб айтганда, «қария» дон Висентенинг шогирдлари том маънода гўзал футбол намойиш этдилар. Ҳа, худди шундай: гўзал футбол! Иньеста, Хави, Касильяс, Фабрегас, Сильва, Торрес... Уларнинг ҳар бир ҳаракати, тўп билан муомаласи шу қадар гўзал чиқдики, бундан завқланмасликнинг, буни олқишламасликнинг ҳечам иложи бўлмади. Энг асосийси, мана шу гўзал футбол рақиб дарвозасига урилган ажойиб голлар билан уйғунлашиб кетди. Шу боисдан ҳам Италиянинг мағлуб бўлмасдан бошқа чораси қолмади. Демак, италиялик футболчилар гўзал футбол олдида ожиз қолдилар. Демак, терма жамоа мухлислари бу мағлубиятдан кўпам куюнмасалар ҳам бўлади.

Юқорида «Евро-2012»да рекорд натижаларга қайд этилгани ҳақида сўз юритдик. Ана шундай рекорд кўрсаткичларнинг энг муҳими ҳам айнан испаниялик футболчилар номига ёзилди. Улар кетма-кет икки маротаба қитъа чемпионатида, кетма-кет учта йирик халқаро турнирда зафар қучишди. Биз-нингча, бу кўрсаткичлар ҳалибери янгиланмаса керак.

Дарвоқе, финал ўйини ўтказилган куни миллий чемпионатимиз олий лигасининг навбатдаги — 13-тур ўйинлари ҳам бўлиб ўтди. Тур ўйинлари орасида «Пахтакор» — «Металлург» учрашуви диққатимизни тортди. Аниқроғи, пойтахт жамоаси таркибида майдонга тушган ёш футболчилар Аббос Махситалиев ва Жамшид Искандаровнинг ўйинлари кўнглимизга бироз бўлса-да, қувонч, ишонч бахш этди. Айнан уларнинг келгусида гўзал футбол намойиш этиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган моҳир «чарм тўп» усталари бўлиб етишини ният қилдик.

Камол ОЛЛОЁРОВ

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САЙДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳririятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Давронбек ОРИПОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 6557 Буюртма — Г-755 1 2 4 5